Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 18 апрель, сешанба №47 (21.810.) Сотувда эркин нархда.

ИШЧИ ГУРУҲИ МАЖЛИСИ

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясини шу йил 5 май куни Тошкент шаҳрида чақиришга қарор қилинди. Шу муносабат билан Олий Мажлис сессиясини тайёрлаш ва уни ўтказиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланган 22 нафар депутатдан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Янги парламент кўппартиялилик асосида сайланганлиги эътиборга олиниб, ишчи гуруҳига Олий Мажлис партия фракцияларининг ҳамда блокининг вакиллари киритилди.

15 апрель куни ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров бошқарди.

Йиғилишда сессия кун тартибига киритилган масалаларга доир барча материалларни, шунингдек бошқа ташкилий тадбирларни қисқа фурсатда ва малакали ҳал этиш мақсадида депутатлар ишчи гуруҳини учта ёрдамчи гуруҳларга бўлиш мақсадга мувофиқ деб топилди ҳамда вазифалар тақсимлаб олинди.

Шу тариқа Ўзбекистон парламентининг иккинчи сессиясига тайёргарлик кўриш қизғин паллага кирди.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА МАЖЛИС

Вазирлар Маҳкамасида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида республиканинг истеъмол бозорини товарлар билан тўлдириш ва аҳолига савдо хизматини яхшилаш дастурини амалга оширувчи ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди. 1995 йилда истеъмол бозорини энг зарур моллар билан тўлдириш масаласи кўриб чиқилди.

Мажлисда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқараётган ва бундай молларни республика ташқарисидан келтираётган вазирликлар, идоралар, корпорациялар ва бирлашмалар раҳбарларининг ҳисоботи тингланди. Бу соҳада муайян иш қилингани, аҳолини товарлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш яхшиланганги, савдо маданияти бирмунча ошгани таъкидланди.

Шу билан бир вақтда ёғ-мой ишлаб чиқариш тармоғидаги, савдодаги айрим корхоналарнинг, вилоят ҳокимликларининг ишлари танқид қилинди. Товарларни марказлаштирилмаган тартибда келтириш бўйича ўзлари белгилаган топшириқ бажарилишини таъминлай олмаган Сирдарё ва Хоразм вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари қаттиқ огоҳлантирилди.

Истеъмол бозорини энг зарур товарлар билан тўлдириш иши мунтазам назорат остига олинди. Ҳукумат комиссиясининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, назорат инспекциясининг раҳбари М. Мирқосимов, Бош вазир ўринбосари М. Усмонов иштирок этди.

(ЎзА).

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

16 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Б. Ҳамидов профессор Кит Гриффин раҳбарлигидаги БМТнинг ижтимоий сиёсат бўйича миссиясини қабул қилди.

Миссиянинг асосий вазифаларидан бири республикамиз ҳукуматининг ижтимоий соҳа масаласидаги сиёсати билан танишиб, ўз навбатида ана шу соҳа борасида БМТнинг дастурини ҳукуматимизга тақдим этишдан иборат. Ана шу масалаларни амалга ошириш учун миссия республикамиз вазирликлари, бошқа муассасалари ва Вазирлар Маҳкамасида қабул қилинди.

Учрашув давомида Б. Ҳамидов ижтимоий сиёсатни юргизиш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини маблағ билан таъминлаш республикада қай йўсин амалга оширилиши ҳақида сўзлаб берди.

Жаноб К. Гриффин ўз навбатида республикамиз ҳукуматининг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги сиёсати, маҳалла дастурининг жойларда яхши самара бераётганини кўриб илиқ таассуротларга эга бўлганлигини таъкидлади. Республикамизда ижтимоий соҳани янада кенгайтириш учун ўзаро алоқани бирмунча ривожлантириш зарурлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Учрашувда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик иштирок этди.

(ЎзА).

Тошкентдаги «Юлдуз» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси кейинги пайтларда муваффақиятларни кўпайтирмоқда. Бу ерда хом ашё танқислигига барҳам берилди. Шу боис чеварларнинг иш унуми юқори. Масалан 7-цех чевари Гулруҳ Ғуломовани олайлик. У 1995 йилнинг ўтган икки ойи натижаларига кўра илғорлар даражасига кўтарилди.

Суратда: Гулруҳ Ғуломова.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасида

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон давлат бошлиқларининг Чимкентда бўлиб ўтган учрашуви якунлари тўғрисида

Маълумки, шу йил 14 апрель куни Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентлари Н. Назарбоев, А. Акаев ва И. Каримовнинг Чимкентда амалий учрашуви бўлиб ўтди. Олий даражадаги бу муҳим сиёсий, халқаро аҳамиятга молик воқеа якунлари хусусида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси махсус қарор қабул қилди. Унда мазкур учрашув халқларимиз ўртасидаги, қадим-қадимларга бориб қадаладиган, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини, мамлакатларимиз мустақилликка эришганларидан кейин, янада юқорироқ поғонага кўтариш сари қўйилган салмоқли қадам бўлди, дейилади. Президентларнинг музокаралари давомида улар раҳбарлик қилаётган давлатлар алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш, мамлакатларимизнинг бир-бирига яқинлашув жараёнини тезлаштириш масалалари кўрилиб, шу борадаги аниқ ёндашувлар белгиланди.

Учрашувда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги 2000 йилга қадар иқтисодий уйғунлашиш дастурининг маъқулланиши — ўзаро ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш тўғрисидаги битимни бажарилишидаги изчиллик ва қатъийликдан дарак беради. Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентлари Россия Федерацияси, Беларусь ва Қозоғистон Республикаларининг бож иттифоқига қўшилишга тайёр эканликларини маълум қилиб, айни пайтда, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги интеграция жараёнларини мустаҳкамлаш тарафдори эканликларини таъкидладилар.

Қарорда уч давлат раҳбарларининг галдаги учрашуви ушбу мамлакатларнинг минтақамизда мустаҳкам барқарорликни таъминлашга, Тожикистон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилишга интилаётганликларини намойиш этганлиги қайд қилиб ўтилди. Учрашув иштирокчилари Тожикистонга доир қабул қилган Баёнотда ушбу мамлакатдаги можарога фақат сиёсий мулоқот, ўзаро муроса йўлига ўтиш билангина узил-кесил чек қўйиш мумкинлигини таъкидлаб, мухолифатни ҳарбий чоралар ва зўравонликнинг бошқа воситаларидан воз кечишга чақирдилар. Улар БМТни, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ва МДҲ давлатларини тожик биродарларимиз юртида тинчлик ва осойишталикни қарор топтиришга кўмаклашишга даъват этдилар.

Президентлар БМТ раҳнамолигида Алмати шаҳрида Тожикистон ҳукумати ва мухолифат ўртасидаги юксак даражадаги ўзаро музокараларнинг навбатдаги даврасини ўтказишни таклиф қилдилар. Шунингдек, улар Осиёда ўзаро ҳамкорлик ва ишонч тадбирлари юзасидан махсус кенгаш чақириш хусусидаги Қозоғистон таклифи ва Тошкент шаҳрида БМТнинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик муаммолари бўйича доимий ишлайдиган семинарини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватладилар.

Чимкент учрашувининг юксак ишонч ва ўзаро аҳиллик руҳида ҳамда самарали ўтганлиги, унда қабул қилинган муҳим ҳужжатлар уччала давлат ўртасидаги тенглик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш учун янги имкониятлар очиб бериши шубҳасиздир. Шу билан бирга, учрашув якунлари Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш ишига ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон раҳбарларининг Чимкентда ўтган учрашуви якунлари ва унда қабул қилинган ҳужжатларни тўла-тўкис қўллаб-қувватлади. У Марказий Осиё мазкур мамлакатлари куч-ғайратларини қардош халқлар манфаатларига мос туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, уларда демократик тартиботларни қарор топтириш учун сафарбар этишда учрашувнинг катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Сиёсий ижроия қўмита Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига Чимкент учрашувининг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш мақсадида, аҳоли истиқомат қиладиган жойлар, меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида оммавий-сиёсий, тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш вазифаларини юклади. Барча тадбирлар, дейилади қарорда, республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг халқлар ўртасидаги тинчлик ва ўзаро ҳамкорликка қаратилган сиёсатини фаол қўллаб-қувватлашга, юртимизда ижтимоий барқарорлик ва умумиллий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга кўмаклашсин.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Ғалабанинг 50 йиллигига

ЖАНГГОҲ ХОТИРАЛАРИ

ЖИЗЗАХ

Навқирон Жиззах вилояти меҳнаткашлари Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, республика Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармасининг тарғиботчилар гуруҳини баҳорий кайфият билан кутиб олдилар. Партиямиз вилоят ташкилотлари 1941-1945 йилларидаги урушда фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги шарафига қатор тадбирларни режалаштириб, амалга оширмоқдалар. Тарғиботчилар гуруҳининг ташрифи ана шу тадбирларга ўзгача руҳ бағишлади.

Чўлқуварларнинг Зарбдор туманидаги дастлабки учрашув муаллимлар ҳузурида бўлди. Ўқитувчилар гуруҳ аъзолари бўлмиш жангчи шоирлардан — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари: Зоҳиджон Обидов, Назармат ва бошқаларни самимий кутиб олдилар. Уруш қатнашчиларининг фронт хотиралари, окопларда ёзилган жанговар сатрлар тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

Бундай учрашувлар Зомин туманидаги «Тамара» ҳиссадорлик жамиятида, Жиззах шаҳридаги индустриал техникумда ҳам бўлиб ўтди. Уларда тинчлик энг буюк неъмат эканлиги, республикамизда Президент И. А. Каримов ва ҳукуматимиз олиб бораётган одилона ички ва ташқи сиёсат туфайли тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлиги, уни кўз қорачиғидай асраш, мустақиллликни мустаҳкамлаш учун ҳар қачонгидан кўра ғайрат билан меҳнат қилиш муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

Учрашувларнинг иштирокчилари шу каби тадбирларни тез-тез уюштириб туриш, халқ билан юзма-юз мулоқотлар ботбот ўтказиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этиб, партиямиз ташкилотлари бу соҳадаги саъй-ҳаракатларини янада кучайтирадилар, деган истакни билдирдилар.

Тарғиботчилар гуруҳ аъзоларининг Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги шарафига бағишланган учрашувларида Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши биринчи котиби Г. Субхонова иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

СУРХОНДАРЁ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши томонидан ташкил этилган тарғибот гуруҳларининг Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан вилоятлар бўйлаб сафари давом этмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов, қатор уруш фахрийларидан иборат тарғибот гуруҳи Термиз, Жарқўрғон, Ангор, Шеробод туманлари хўжаликлари меҳнаткашлари ҳузурида қизиқарли учрашувлар ўтказдилар. Шеробод туманининг Улаш Турсунов номли жамоа хўжалигида бўлиб ўтган мулоқотда М. Қўшжонов: «Уруш тугаганига 50 йил тўлган бўлсада унинг жароҳатлари келажак авлодларга сабоқ бўлиб қолади», — деб айтди.

Гуруҳ аъзолари, шунингдек, Термиз давлат университети ҳамда тиббиёт билим юрти олимлари, талаба ёшлари билан учрашдилар. Мулоқотларда сурхондарёликларнинг Президентимиз сиёсатини қўллаб-қувватлаётганликлари алоҳида таъкидланди. Вилоят фахрийларининг вакиллари юртбошимиз Ислом Каримовнинг Президентлик ваколатлари муддати 2000 йилгача узайтирилганлиги халқимизнинг руҳини кўтариб юборганини, янгидан-янги меҳнат ғалабалари сари ундаётганини фахр билан сўзладилар. Фахрийлар ҳукуматимизнинг уруш қатнашчиларига кўрсатаётган ғамхўрликларидан мамнун эканликларини билдирдилар.

НАВОИЙ

Ёзувчи Владимир Тюриков, республика фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши ходими Аъзам Хўжаев, «Гулхан» журнали бош муҳаррири Сафар Барноевлардан иборат тарғиботчилар гуруҳи аъзолари учрашувларни Қизилтепа тумани марказидаги ёдгорлик пойига гулчамбар қўйишдан бошлади.

Шундан сўнг, Садриддин Айний ва Мирзо Бўстоний номли мактабларда қизиқарли учрашувлар бўлиб ўтди. Мулоқотларда гуруҳ аъзолари фашизм устидан қозонилган Ғалаба, республикамиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат ҳақида тўхталдилар. Улар «Деҳқонобод», «Зармитан» жамоа хўжаликлари меҳнаткашлари билан ҳам учрашдилар. «Деҳқонобод» жамоа хўжалигидаги оромгоҳ «Ғалабанинг 50 йиллиги» деб аталадиган бўлди.

МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ЖАРЧИСИ

Мамлакатимизда Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига кўра маърифатпарвар адиб Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 120 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Биз юбилей комиссияси котиби, филология фанлари доктори Наим КАРИМОВ билан Беҳбудийнинг серқирра фаолияти ва шонли санага ҳозирликнинг бориши хусусида суҳбатлашдик.

— ХХ аср тонгида Туркистон халқларининг мустақиллиги учун бошланган жадидчилик ҳаракатининг карвонбошиси Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратлари эди десак, муболаға бўлмайди.

1926 йили Беҳбудийнинг фожиали вафотига етти йил тўлиши муносабати билан эълон қилинган мақолаларнинг бирида шундай сўзлар ёзилган: «Беҳбудийнинг хизмати французларнинг Жан Жак Руссолари, русларнинг Ломоносов, Чернишевский ва Добролюбовлари, Қофқоз туркларининг Фатҳали Охундов ва Нажаббек Везировлари, тоторларнинг Ш. Маржоний ва Қ. Носирийси илабирдир. Ўзбек миллий адабиёти ҳам Беҳбудий ила бошланиб, янги бир йўлга кира бошлади. Беҳбудий, энг аввал, Туркистонни чор ҳукумати қўлидан қутқазиш ғоясини элга талқин қилувчилардан, аҳолининг эзилганлигини биринчи сезганлардан ва бу ҳақда турли уста йўллар ила халқни истиқбол курашига чақирганлардандир. Туркистоннинг уйғониш даврини уч қисмга — маориф, матбуот ва жамиятга бўлиб, шу давр раҳбарларини текшира бошласак, бу ҳаракатларнинг бошида Беҳбудий турганлигини кўрамиз».

Бу сўзларда Беҳбудийнинг ўзбек халқи олдидаги хизматлари бир оз кўтаринки руҳда таърифланган бўлса-да, улар, моҳиятан, ҳақиқатга зид эмас. Беҳбудий Туркистонда янги типдаги мактаб тизимининг ўрнатилиши, миллий матбуотнинг пайдо бўлиши ва театр санъатининг майдонга келишида мислсиз аҳамиятга молик ишларни амалга оширди.

Беҳбудийнинг туғилган санаси баъзи манбаларда 1874 йил, айрим мақолаларда эса 1875 йил деб кўрсатилган. Бу саналарнинг қайси бири тўғри бўлишидан қатъий назар, ўзбек халқи бу йил яна бир буюк фарзанди таваллудининг 120 йиллигини нишонлаш бахтига эгадир.

ХХ асрни 25-26 ёшида қаршилаган Беҳбудий башарият бу асрда ўз тараққиётининг янги бир босқичига эришажагини фақат мутафаккирларга хос туйғу кучи билан илғай билди, мустамлака шароитида яшаётган халқни шу маданият ва маърифат асрига тайёрлаш вазифасини ўз зиммасига олди. У 1903-1904 йилларда ўзи очган жадид мактаблари учун, масалан, жуғрофия бўйича «Мунтаҳаби жуғрофияи умумий» («Умумий жуғрофиядан қисқача қўлланма»), «Мадҳали жуғрофияи умроний» («Аҳоли жуғрофиясига кириш») ва «Мутасари жуғрофияи русий» («Русиянинг қисқача жуғрофияси») сингари дарслик ва қўлланмаларни яратдики, улар Беҳбудийнинг ўша вақтдаёқ нафақат катта дунёвий, балки илғор дунёқарашнинг ҳам соҳиби бўлганидан дарак беради.

Шу йилларда ижтимоий ҳаёт, маориф ва маданиятнинг турли масалалари бўйича публицистик мақолалари билан кўзга кўринган, қарийб 20 йил мобайнида Туркистонда чоп этилган газета ва журналлар орқали ўз ғояларини халқ оммаси ўртасида тарқатган Беҳбудий ўзбек жадидчилик ҳаракатининг тамал тошини қўйди. Бу мақолалари билан Фитрат, Абдулла Қодирий, Ҳамза, Чўлпон сингари ХХ аср ўзбек маданияти, фани ва маорифининг тимсоли бўлган сиймоларни тарбиялаб етишишига ҳисса қўшди.

Беҳбудийнинг маърифатпарварлик фаолиятидан кузатган мақсади ўзбек халқининг кўзини очиш, унинг оёғидаги мустамлакачилик кишанларини парчалаб ташлаш ва истиқлол сари етаклаш эди. У ана шу мақсадга, аввало, халқни илмли-маърифатли қилиш орқали эришиш мумкин, деб билди. Халқни ғафлат уйқусидан уйғотиш учун эса, мактаблар билан бирга матбуотдан ва айниқса, театр санъатидан истифода этишни самарали йўл деб топди. Унинг «Падаркуш» номли якка-ю ягона саҳна асари профессионал ўзбек театрининг пайдо бўлиши — Абдулла Қодирий, Хожи Муин, Бадрий, Фитрат, Ҳамза сингари ёзувчилар қаламига мансуб бир қанча асарларнинг майдонга келишига замин ҳозирлади.

Шубҳасиз, Беҳбудийнинг халқ оммасини олға, мунаввар ва маърифатли келажакка ундовчи, унинг кўзини очувчи пьеса ва мақолалари, мактаблари, газета ва журнали чор ҳукуматининг миллий сиёсатига мос келмаган. Ҳатто унинг октябрдан кейинги маърифатпарварлик фаолияти ҳам шовинист ва мутаассиб кимсаларнинг қаттиқ қаршилигига учради. У 1919 йили шундай ғайри қучлар томонидан маҳв этилганига қарамай, унинг муборак номини сўнгги даврларга қадар ҳатто тилга олишнинг ҳам иложи бўлмади. Беҳбудийга нисбатан ана шундай совуқ муносабатнинг оқибати ўлароқ, унинг асарлари шу пайтга қадар тўпланмай, нашр этилмай ва ўрганилмай келди. Ваҳолонки, юқорида тилга олинган мақола муаллифи бундан қарийб 70 йил муқаддам «Бизлар 7 йил жим турдик... етар энди унинг номини абадийлаштириш учун, ҳеч бўлмаса, унинг номига мактаблар солиш, олий ўқув юртлари ҳузурида талабалар учун фонд ташкил этиш, босилмаган асарларини, таржимаи ҳолини нашр этиш, муҳим асарларини тўплаб бостиришга вақт етгандир», деб ёзган эди.

Бу йил ўзбек халқи миллий уйғониш даврининг буюк намояндаси, маърифатпарвар ёзувчи, педагог ва жамоат арбобининг таваллуд санасини — 120 йиллигини биринчи марта нишонлайди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига кўра яқин кунларда Беҳбудийнинг 120 йиллигига бағишланган юбилей кечаси, Алишер Навоий номидаги адабиёт институтида эса илмий анжуман ўтказилади. Шу йил мобайнида Беҳбудийнинг бир жилдлик, 1996-1998 йилларда эса уч жилдлик тўла асарлар тўплами чоп этилади. Шунингдек, республика Давлат матбуот қўмитаси адиб ҳаёти ва ижодий фаолиятини ёритувчи рисолаларни эълон қилади. Барча оммавий ахборот воситалари улуғ маърифатпарвар адибга бағишланган мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришларни мухлисларга тақдим этади. Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳокимликлари, шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги эса адиб хотирасини абадийлаштиришга доир тадбирлар ишлаб чиқмоқда. Ҳуллас, тарих ҳақиқати тикланиб, муқаддас тупроғимиз — Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун мардона курашга ва бу йўлда ўз ҳаётини бағишлаган Маҳмудхўжа Беҳбудий хотирасини халқимиз муносиб равишда эъзозлайди.

(ЎзА).

ТАДБИРКОРЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма («Бизнес Фонд»), Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси махсус Республика ярмарка ва очиқ биржа савдоси доирасида «Бизнес-биржа» танловини ўтказади. Ушбу танловнинг мақсади, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонини ҳаётга тадбиқ этиш, тадбиркорларнинг техника, хом ашё ва информацион ресурсларига бўлган эҳтиёжларида давлат муассасалари билан тенг ҳуқуқлигини таъминлашдан иборат.

«Бизнес-биржа» танлови 1995 йил 15—16 май кунлари ўтказилади. Танловда жаҳон андозларига мос келадиган янги технологияни қўллаб, рақобатбоп маҳсулотлар ишлаб чиқараётган кичик ва ўрта корхоналарнинг ҳамда фермер хўжаликларнинг эгалари, раҳбарлари, шунингдек, очиқ улгуржи савдода маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни маҳаллий хомашё ва материаллар билан таъминлайдиган аниқ тижорат таклифлари бўлган тадбиркорлар қатнашишлари мумкин.

«Бизнес-биржа» танловига ярмарка намойишидаги ва очиқ биржа улгуржи савдосидаги кичик ва ўрта корхоналар, фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг улгуржи савдоси натижалари ҳақидаги маълумотлар тақдим этилади.

«Бизнес-биржа» танлови голибларига Республика товар-хом ашё биржаси томонидан бепул биттадан брокерлик жойи ва Республика товар-хом ашё биржасининг доимий Ярмаркасида бепул биттадан ўрин ҳамда махсус совринлар топширилади.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ФОИЗСИЗ ҚАРЗ

Жаҳон банки таркибидаги тараққиёт халқаро уюшмаси Грузия Республикасига 75 миллион доллар миқдорида фоизсиз қарз бериш ниятида. Бу маблағни республикада амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш, макроиқтисодиётни барқарорлаштириш, ишлаб чиқаришни қайта тиклаш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга сарф этиш кўзда тутилмоқда.

ҚОЧОҚЛАР КЎПАЙМОҚДА

БМТнинг Россия Федерациясидаги ваколатхонасининг хабар беришича, ҳар куни Чеченистондан икки мингга яқин қочоқ қўшни Доғистондан бошпана излашга мажбур бўлмоқда. БМТнинг қочоқлар иши билан шуғулланувчи комиссиясининг маълумотига кўра, шу пайтгача Доғистонда 80 мингдан зиёд Чеченистон фуқароси руйхатга олинган. Бундан ташқари, 30 мингга яқин киши руйхатдан ўтишдан бош тортган.

ТИЛ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

ИРНА агентлигининг хабарига кўра, Эрон Ислом Республикаси парламентида форс тилида қўлланиладиган хорижий сўз ва атамаларни таъқиқлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Парламент мажлисида иштирок этган Эрон вице-президенти Ири Ҳасан Ҳабибийнинг эътироф этишича, тил ҳақидаги мазкур қонун тасдиқланса, бегона сўзлар ўрнига форсча муқобил сўзларни топиш анча мушкул кечади.

ЖИНОЯТЧИЛАР ҚАТЛ ЭТИЛДИ

«Чайна дейли» газетасининг ёзишича, Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида 11 нафар жиноятчи қатл этилди. Бундан бир қанча муддат илгари суд қўплаб қотиллик ва қуролли босқинчилик содир этган жиноятчиларга нисбатан энг олий жазони қўллашга қарор қилган эди.

СОВРИН — УЧ МИЛЛИОНИНЧИ МАШИНА

Нижний Новгород шаҳридаги Горький автомобиль заводида (ГАЗ) ишлаб чиқарилаётган енгил автомобиллар сони уч миллион донага етди. 63 йилдан буён фаолият кўрсатаётган завод ўз тарихида «Эмка», «Чайка», «Победа», «Зим», «Волга» сингари 18 турдаги енгил автомобиль ишлаб чиқарган.

Завод жамоаси уч миллионинчи машинани Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган автомобиль пойгасига соврин тариқасида қўйишга қарор қилди.

МОЛДОВАГА АМАЛИЙ САФАР

Европа кенгаши парламент ассамблеяси раиси Мигель Мартинес амалий сафар билан Молдова Республикасига ташриф буюрди. У сафар давомида Молдова Президенти Мирча Снегур, парламент раиси Петр Лученский, Бош вазир Андрей Сангели билан учрашиб, Молдованинг Европа иттифоқига кириши билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ХДП ҳаётидан

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Бу жамоадаги ўзгаришларни кўриб кишининг дили яйрайди. Қалби гўзал кишиларнинг эртанги кун умидида амалга ошираётган ишлари таҳсинга лойиқ. Бўз туманидаги Алишер Навоий номли 13-ўрта мактаб тиғизлаштирилган дарс соатларини жорий этиб, қувончли натижаларга эришяпти. Ўзини-ўзи идора этишга ўтгач, ишчанлик вазияти янгиликларга йўл очди. Ўқитувчилар ноанъанавий усулларни қўллаб, ўз маҳорат ва қобилиятларини ошира бошладилар. Бошланғич таълим ўқитувчиси, ХДП аъзоси Қамара Шамсуддинова, айниқса, бу борада анча илгарилаб кетди. Боғча, ота-она билан мустаҳкам алоқа ўрнатган бу тажрибали муаллиманинг қўлида ўтган йили ўқиган ўғил-қизлар бу йил 3-синфда ўқишяпти. Синфдан-синфга сакраб ўтиш мутахассисларнинг ижобий баҳосини олди. Албатта, икки йилда уч синф маълумотига эга бўлиш ўқувчиларга осон кечмади. Тинимсиз интилиш ва изланишлар туфайли қийинчиликлар бартараф этилмоқда.

Қамара Шамсуддинованинг изидан бораётган яна олти нафар ХДП аъзоси,ёшларга пухта билим бермоқда. Ҳанифа Ҳабибуллаева, Маъмуржон Расулов сингари бошланғич таълим ўқитувчилари 1-синфда иккинчи синф машғулотларини ўтишмоқда. Мактаб директори Абдуфаттоҳ Ҳожиматовнинг айтишича, ўқитувчиларнинг ўртача иш ҳақи туман халқ маорифи тизимидаги мактабларникидан нисбатан баланд. Қолаверса, яхши ишлаган ўқитувчилар тоифасига кўра рағбатлантириб борилади. Шодмонов номидаги жамоа хўжалиги мактабни оталиққа олиб, моддий ёрдам кўрсатмоқда. «Маърифобод» маҳалла кенгаши ҳам бундай ҳаракатдан четда қолмаяпти. Ҳомийлар мактабга қўлдан келган ёрдамини аямаётир. Шундай қилиб, оила, маҳалла, мактаб ўртасидаги муносабатлар тобора мустаҳкамланиб боряпти.

Яқинда ЎзХДП Бўз туман кенгаши ижроия бюроси Шодмонов номидаги жамоа хўжалиги ҳудудидаги кичик корхона ва фермер хўжаликларининг мактабга оталиқ ёрдам кўрсатиш бўйича бошлаган ташаббусларини қўллаб-қувватлади. Уларнинг тумандаги барча фермерлар, ишбилармонлар, корхона ва хўжаликлар раҳбарларига мурожаатини қабул қилди. Шундан сўнг мактаб базасида туман партия ташкилотининг кенгайтирилган семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда туман хўжаликлари бошланғич партия ташкилотларининг котиблари, маҳалла кенгашларининг оқсоқоллари, халқ таълими ходимлари иштирок этдилар. Кўпчилик мактаб ҳаёти, жамоа фаолияти билан танишар экан, излаган имкон топади, деган мақолга яна бир бор ишонч ҳосил қилди.

Иштирокчилар бир-биридан қизиқарли ўқув машғулотларида қатнашиб, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг қувончларига шерик бўлдилар. Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги халқ таълимини ривожлантиришда муҳим омиллардан бири эканлиги семинар-кенгаш қатнашчилари томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди. Энг яхши, иқтидорли ўқитувчиларга ишбилармонларнинг пул мукофотлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИШЛАР КЎЛАМИ КЕНГ

Ўрта Чирчиқ туман партия кенгаши бундан кейин ҳудудни ободонлаштириш, урф-одатлар, расм-русумлар, умуман, миллий қадриятларни асраб-авайлаш, унга янгича мазмун бағишлаш борасидаги юмушларга масъулликни ўз зиммасига олди.

Маҳаллий ҳокимлик қарорига кўра, юқоридаги вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон ХДП туман кенгашига туман газета таҳририяти ва туман санитария-эпидемиология станцияси жамоалари яқиндан ёрдам берадилар. Режалаштирилаётган ишлар кўлами анча кенг ва ранг-баранг. Қурилаётган ва таъмирланаётган биноларга замонавий кўрк бағишлаш, кўча ва хиёбонларни кўкаламзорлаштириш, тўй ва маросимларни талаблар даражасида ташкил этиш, яхши анъаналарнинг давомийлигини таъминлаш каби масалалар шулар жумласидандир.

Туман партия кенгаши кўлами юмушларни бажаришда жойлардаги муҳим таянч ҳисобланган бошланғич ташкилотларга катта умид боғламоқда.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«БАҲОР— АЁЛ БИЛАН ГЎЗАЛ»

Сирғали туман ҳокимлиги ва Ўзбекистон ХДП туман кенгаши ташаббуси билан «Баҳор—аёл билан гўзал» мавзусида қизиқарли кеча бўлиб ўтди. Унда тумандаги турли ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат қилаётган фаол аёллар, кўп болали оналар иштирок этишди.

Туман ҳокими Митҳад Йўлдошев аёлларнинг ўрни ҳақида дил сўзларини айтди. Шундан сўнг туман партия кенгашининг биринчи котиби Ёқутхон Исҳоқова бир гуруҳ аёлларга партия билетлари ҳамда жамоат, партиявий ишларда ташкилотчи хотин-қизларга фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалар топширди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Тошкент аэропорти кадрлар бўлими бошлиғи, бошланғич партия ташкилоти котиби Зиёвиддин Илҳомов ҳам ишлаб чиқариш илғорлари бўлган аёлларга қимматбаҳо совғалар тақдим этди.

Сирғали туманида партиянинг нуфузи ортиб боряпти. Буни ХДП аъзоларининг бугунга келиб 3000 нафардан ошиб кетганлиги, хайрихоҳларнинг сони ортиб бораётганлигидан ҳам кўриш мумкин.

Баҳор, она ва Ватанни тараннум этувчи куй қўшиқлари билан «Шабнам» гуруҳи кечага файз киритди.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Тошкент туманидаги «Ўзбекистон боғдорчилик ва узумчилик машинасозлиги заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси мамлакатимиздаги ноёб корхоналардан бири саналади. У республикада эмас, балки бутун Марказий Осиёда ягонадир. Бу ерда ишлаб чиқарилган боғдорчилик ҳамда узумчиликка мўлжалланган машина механизмларни МДҲ мамлакатларининг деярли ҳаммасида учратиш мумкин. Корхона жамоаси боғлар ва узумзорларга ишлов беришда фойдаланиладиган мосламалар турини 50 тадан ошириб юборди.

Кейинги йилларда бу ерда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳам кўпайтирилди. Айни пайтда шундай буюмлардан 15 турга яқинни тайёрланиб, савдо шохобчаларига етказиб берилаётир.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Муносабат

ҲОКИМДАН НИМА ҚОЛДИ?

Юз минг аҳоли яшайдиган Олтинсой туманининг биронта хонадонида табиий газ ёнмайди.

Бозор бўм-бўш. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари-чи?..

...Яқинда биз туман ҳокимининг биринчи муовини Ражаб Пардаевнинг ҳузурида бўлдик. Электр энергиясидан иссиқлик энергияси ҳосил қилишни қонун-қоида кўтармаслигини билса керакки, Пардаев гиштга ўйиб қўндирилган спираль иситгични узиб қўйибди. Хона муздай. Ўша куни туман кенгашининг сессиясида қатнашганларнинг кўпчилиги залдан тумов бўлиб чиқишди. Биз, асли туман касалхонаси ва мактабларининг иситиш ҳолатини кўздан кечирмоқчи эдик. Юқоридаги манзаралар ҳафсаламизни пир қилди.

Туманнинг ташкил топганига ўн беш йилча бўлиб қолди. Лекин, айтишларича, асосий табиий газ қувури энди тортилмоқда. Айрим хўжаликларда ички газ қувурларини ўтказиш борасида бир қадар ҳаракатлар бордек. Масалан, Бобур номли жамоа хўжалигида икки километрдан кўпроқ қувур тортганликларини айтишди. Лекин ишнинг жадаллашувига айрим ҳолатлар ҳалақит қилмоқда, Масалан, 1-Олтинсой вино заводида хўжаликнинг 10 миллиондан ошиқроқ дебитор қарзи бор. Пулимизни вақтида беринг, деб сўрадилар, суриштирдилар, хат ёздилар: натижа йўқ. Бу манзарани бошқа хўжаликларнинг мисолида ҳам кўриш мумкин. Мавриди келганда «Хўжаипок» жамоа хўжалигининг раиси Бобоназар Тошбоев билан боғлиқ бир тарихни эслатиб ўтсак. У мазкур хўжаликка ўн бир йил раҳбарлик қилди. Олис тоғнинг тагидаги хўжалик ўша йиллари вилоятга довруғ солди. Ва 1989 йил март ойида эл кутмаган воқеа содир бўлди. У раисликдан кетди. Тўғрироғи, уни ишдан кетказишди.

— Ўша 1989 йилда хўжалигимизнинг хазинасида беш миллион сўм пул бор эди,— дейди Б. Тошбоев.— Хонадонларни газлаштиришнинг лойиҳаси тайёр эди. Пудратчилар билан шартномалар тузилганди. Афсуски... туманимизда амалий иш билан шуғулланиш деганда кадрларни алмаштиришни тушунишди, шекилли. Одамларнинг меҳнатига, қобилиятига холис баҳо беришдан кўра ортиқча ҳиссиётлар устивор турди. Ижтимоий — муаммоларни ҳал этиш, иқтисодий ислоҳотлар талабига биноан ишлашдан кўра бошқаришнинг эски усулларига суяниб иш тутилди.

— Бу жараёнга беш йил туманнинг биринчи раҳбари бўлиб ишлаган Тошпўлат Абдираҳмонов «қўмондонлик» қилган, демоқчисиз-да?

— Изидан бировга тош отмайман,— деди раис. — Эл хоҳиш билдирдики, яна раисман. Камчиликларни ўйлаб олармиз. Фақат, вақт деган бебаҳо имкониятни қўлдан берганимиздан афсусланганимни билдиряпман, холос.

Газлаштириш учун неча километрлаб тармоқ кераклигини, ишни лойиҳалаштириш лозимлигини, қувурнинг ва лойиҳанинг нархи осмондалигини чўтга ташлаб, бу иш туманда оғир кўчаётгани сабабларига бир қадар тушундик. Ишлаб чиқаришнинг айрим соҳалари изоҳига гап қолганда... Чорвани олинг: маълумотларда 1995 йил 1 январгача туманда 658 бош қорамол борлиги қайд этилган. Бу, билсангиз, бундан беш йил илгариги кўрсаткичдан 1047 бошга (?) кам демак. Қўй-эчки ҳам 13266 бошга камайтириб юборилди. Нафақат туёқ сони, маҳсулдорлик ҳам камайди. Масалан, 1990 йилда ҳар бош сигирдан 2314 литр сут соғиб олинган бўлса, 1994 йилга келиб бу рақам 1527 литрдан нарига ўтмади. Пировард натижа аниқ: гўшт, сут етиштириш камайиб кетаверди. Масалан, беш йил давомида сут етиштириш қарийб учдан бир фоизга қисқарди. «Хўжасоат», «Қорлиқ» хўжаликларида бултур ҳар бир сигирнинг маҳсулдорлиги аранг 755-880 литрга етди.

Туманда қишлоқ хўжалик экинлардан олинаётган ҳосил бирмунча дурустдек. Маҳсулот тайёрлаш режалари бири пасту бири баланд бўлиб уддаланаётгандай. Бироқ, йилига 50 минг тоннадан зиёд узум, 1300 тоннадан зиёд мева, 3 минг тоннадан зиёд сабзавот тайёрланадиган туманнинг катта бозори ҳувуллаб ётганини кўриб ҳафсалангиз пир бўлади! Туманда мева ва сабзавотни қуритиш заводи ишлаб турибди. Хўжаликларда тонна-тонна сифатли майиз тайёрланмоқда. Бу туманнинг ва табиийки вилоятнинг ички истеъмол бозорини обод қилишга, арзончиликни таъминлашга қаратилганда яхши бўлмасмиди?!

Вилоят ҳокими ўз қарорига кўра, Тошпўлат Абдираҳмоновни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан туман ҳокими вазифасидан озод қилди. Биз вилоят раҳбарларидан бири йил бошида туманда бўлиб ўтган йиғилишларнинг бирида Олтинсойдаги ишлардан кўнгли тўлмай гапирганига ҳамда юқорида қисқачагина санаб ўтилган камчиликларга асосланиб, яхши ишлай билмаптида, деган гапни тўқмоқ қилмоқчи эмасмиз. Олтинсойликлар — тадбиркор одамлар. Ишлайдиган одамлар. Ишладилар, ишлаяптилар. Ютуқлар, яхши натижалар ҳам йўқ эмас. Ва бу ютуқларга Абдираҳмонов ўзини дахлдор деб билса ҳам эътироз қилмаймиз. Айни пайтда раҳбарнинг фаолиятига, одамлар, халқ баҳо беради. Ҳар ҳолда одамлар Абдираҳмоновнинг ҳокимликдан бўшаганига афсусланаётгани йўқ. Ва бўлажак ҳокимдан улар ташаббускорликни, талабчанликни, иқтисодий ислоҳотларда байроқдор бўлишни, адолат ва фидойиликни умид қилишмоқда.

Т. РАЗЗОҚОВ,
О. УСАНОВ.

Мухбир муаммо қўяди

ЧЎЛ БАЛИҚЧИЛИГИ РИВОЖЛАНАДИМИ?

(«Ўзбалиқ» концерни раҳбарлари диққатига)

Муҳтарам муштарий, сарлавҳани ўқиб, ҳайратландингиз-а? Ажабо, чўлда ҳам балиқ бўладими, деб ўйладингиз. Олло таолонинг иродаси билан Мирзачўлнинг қоқ ўртасида Арнасой кўллар тизими пайдо бўлганига чорак аср тўлди.

Илгари чўлда ерости сувлари кўтарилиши натижасида ва бошқа оқовалар тупланишидан Арнасой, Тузкон ва Айдар кўл сингари кичик-кичик кўллар мавжуд эди. 1969 йилги қаттиқ қиш ва серёғин баҳор туфайли Қозоғистоннинг Чордара сув омбори тошиб, катта миқдордаги сув ана шу кўлларга оқди ва уларни бирлаштириб юборди. Шу тариқа 180 минг гектар майдонни эгаллаган «денгиз» пайдо бўлди. Шундан бери ҳар йили ана шу сув омборидан кўлга қуйилаб сув оқизилади. Бу йил ҳар йилгидан кўп сув оқизилди. Ҳозир ушбу ҳавза 400 минг гектар майдонни эгаллайди.

Хўш ана шу катта майдондаги «денгиз» халқимиз учун қандай наф келтирмоқда? Агар бу саволни Фориш тумани чорвадорларига бersангиз, сўнгги йилларда 250 минг гектар яйловидан айрилганларини, ўнлаб қўралар, чўпон уйлари, қудуқлар, ҳатто минглаб қўй-эчкилари сув остида қолганини, бундан келган зарар бир неча миллион сўм бўлишини ҳисоблаб беришади. Ахир шундай экан, Арнасой кўллар тизимидан унумли фойдаланиш, у келтираётган зарар ўрнини қоплаш йўлини ахтариш керак-ку?!

1970 йилда Арнасой балиқчилик хўжалиги (ҳозир вилоят балиқ ишлаб чиқариш бирлашмаси) ташкил этилган эди. Бирлашмада аввалига ишлар унчалик юришавермади. Негаки, балиқчилар республиканинг турли бурчакларидан келишган, ов анжомлари етишмас, қайиқ ва катерлар камчил эди. Шунга қарамай йилига 1200-1300 тонна балиқ овланарди. 1983 йилга келиб 3350 тоннага етди. 1989 йилдан балиқ тутиш камая бошлади. Ўша йили 2673 тонна, 1990 йили 2558,5 тонна... бултур эса атиги 763 тонна балиқ тутилди. Хўш, нега шундай бўлмоқда?

Кўллар тизими сатҳи бултур ва бу йил 4,5 метрдан зиёд кўтарилишидан унинг чуқурлиги баъзи жойларда 30 метргача етди. Бунинг натижасида балиқлар кўл тубидаги бутазорларга кириб кетдилар. Шу пайтгача судраб тортиладиган ёйма тўрлар билан осонгина овланган балиқлар эндиликда бу тўрларга тушмай қолди. Чунки, сувости буталари йиртиб юбормаслиги учун тўрлар кўл тубига етгунча ташланмайди ва оқибатда балиқлар тўр тагидан сузиб ўтиб кетаверадилар. Шу боисдан балиқчилар ҳозирги пайтда иш унуми анча паст бўлган ўрнатиладиган тўрлар билан ов қилмоқдалар. Бу тўрлар ҳам жуда камчил. Балиқчилик бирлашмаси бўйича ишлаётган 70 нафар балиқчининг ҳар бирига 28 донадан, жами 2 минг дона тўр берилиши керак бўлгани ҳолда улар атиги 790 дона тўр билан ишламоқдалар. Тўрлар эса Русиядан олинаркан. Ахир, Тошкент ва Андижон шаҳарларида футбол, волейбол, баскетбол ва теннис спортлари учун тўрлар ишлаб чиқарадиган корхоналар мавжуд-ку. Наҳотки, республика балиқчилик концерни ва бошқа мутасадди идоралар ана шу корхоналарда балиқ овлаш тўрлари ишлаб чиқаришга ҳомийлик қилолмасалар? Республикамизда ип-йигирув корхоналари йўқми ёки ип хом ашёлари етишмайдими?

Шунингдек, Жиззах вилоят балиқ ишлаб чиқариш бирлашмасида айни пайтда 11 та бригада ва 5 та звено жамоаси балиқ овлаш билан шуғулланади. Уларнинг ихтиёридаги ўнлаб моторли қайиқ ва катерлар аллақачон «ёшини яшаб» бўлган техникалардир. Ҳозир улар учун эҳтиёт қисмлар топилмайди, ёнилғи ва мойлаш моддалари етишмайди. Нега?

Ҳозирги пайтда балиқ ишлаб чиқариш бирлашмаси бўйича овланаётган балиқлар гектар бошига атиги 2 килограммни ташкил этмоқда. Лекин бу, Арнасой кўллар тизимида заҳиралар камайганини кўрсатмайди. Аксинча сўнгги йилларда бирмунча кўпаймоқда. Негаки, тизим суви анча чучуклашди, маъданлашиш миқдори илгаригидай ҳар литрига 11 мисқол эмас, 5-7 мисқолга тушди.

Балиқчилар билан қилган суҳбатларимиздан маълум бўлдики, тармоқ ишини ривожлантириш учун биринчи галда уларнинг манзилгоҳи «Наврўз» шаҳарчасига оқар сув келтириш керак. Шунда улар ўз қўрғонларини ободонлаштириш ва боғ-роғларга буркаш билан бирга деҳқончилик қилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини балиқчилик анжомларига айрибошлаш имкониятига эга бўладилар. Шаҳарчага сув келтириш эса унчалик қийин иш эмас. Бундан 13 йил бурун шахсан Ш. Рашидовнинг кўрсатмаси билан 30 километр лоток ариқ қурилиб, унга сув очиш қолган, холос. Энди ана шу ариқнинг синган-бузилган жойларини таъмирлаб, ишга туширишкерак. Бу, балиқчиларнинг мушкулини осон қилиш билан бирга қўрғонда яшаб, бошқа жойларда ишлаётган 60 фоиз аҳолини иш билан таъминлайди ҳам.

Ушбу сатрларни битаётиб хаёлимдаги бошқа ўйларни ҳам ўртага ташлагим келди. Қарийб 400 минг гектар майдонни эгаллаган ана шу Арнасой кўллар тизими сувидан бошқа мақсадларда ҳам фойдаланса бўлмайдими? Масалан, балким сув спортини ривожлантириш мумкиндир?

Арнасой кўллар тизими вилоят марказидан атиги 65 километр узоқликда. Фориш, Арнасой, Дўстлик, Зафаробод ва Мирзачўл туманларига жуда яқин. Бунинг устига тизимнинг Айдар ва Тузкон кўллари қисмида сувнинг тиниқлиги 6-7 метрдан кам эмас, ёз ойларидаги илиқлиги 30 даража, қиргоққа яқин жойларида 36 даражагача боради. Қишда эса 70 фоизгача музлайди. Шундай бўлгач, муз усти спортини ҳам ташкил этиш мумкин.

Қиссадан ҳисса шуки, мутасадди ташкилот ва идоралар бош қўшиб, Арнасой кўллар тизими сари юз буришлари, юртимизнинг муъжизакор табиати ва унинг чексиз бойликларидан унумли фойдаланишлари керак.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Янги китоблар

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

ёки биринчи дарслик ҳақида

Мустақилликни қўлга киритган республикамизнинг яқин йиллар ичида жаҳонда қандай мавқени эгаллаши кўп жиҳатдан тайёрланаётган мутахассисларнинг илмий салоҳиятига, савиясига боғлиқ.

Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтиш жоиздир. Ҳар қандай жамият тараққиёти илм - фаннинг ривожланишига боғлиқ эканлиги кўпчиликка аён. Юксак билим чўққиларини эгалламай туриб бунга эришиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, ҳозирги шароит, яъни, бозор муносабатларига ўтиш ҳар бир фуқарони, айниқса ёшларни бозор ислоҳотларининг фаол иштирокчиларига айлантиришга, уларни ўқитиш ва тарбиялашга мўлжалланган дарсликнинг яратилишини тақозо этарди. Афсуски, бундай дарслик бугунги кунгача йўқ эди. Шундай дарсликни яратишдек шарафли вазифани олий мактаб тизимида қирқ йилдан кўпроқ ўз фидойи меҳнатини аямай фаолият кўрсатиб келаётган Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоблари, иқтисод фанлари докторлари, профессорлар А. Ўлмасов ва М. Шарифхўжаевлар адо этишди. Улар томонидан биринчи ва мукаммал дарслик «Иқтисодиёт назарияси» дарслиги яратилди ва «Меҳнат» нашриёти томонидан чоп этилди. Муаллифлар томонидан ушбу дарсликнинг биринчи марта ёзилиб чоп этилиши нафақат «Иқтисодий назария» фани ўқитилиши кўзда тутилган олий ва ўрта махсус билим юртларида минг - минглаб таълим олаётган талабалар учун, шунингдек, кенг жамоатчилик учун ажойиб туҳфадир.

Дарслик Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги республика илмий-методик бирлашмаси томонидан тасдиқланган «Иқтисодий назария» дастурига асосланиб ёзилган бўлиб, мантиқан уч бўлимдан иборат. Биринчи бўлим умумиқтисодий категория ва қонунларга бағишланган бўлса, иккинчи бўлимда бозор иқтисодиётининг қонун - қоидалари, унинг сир - асрорлари очиб берилган. Учинчи бўлимда эса ҳозирги замон иқтисодий назариясидаги асосий оқимларга лўнда баҳо берилган.

Дарслик ўзининг илмий - назарий томондан мукаммаллиги ва анъанавий ёзиш услубларидан тубдан фарқ қилади.

Илмий — назарий томондан афзалликлари нимада?

Биринчидан, дарслик жаҳон андозаси талабларига жавоб берувчи илмий - назарий - иқтисодий асардир. Маълумки, марксистик сиёсий иқтисодда ҳодисалар асосан синфий нуқтаи назардан, синфий кураш ва революция манфаатлари жиҳатларидан олиб қаралган. Умуминсоний жиҳатлар эса орқага сурилган. Мазкур китобга умуминсоний назариялар асос қилиб олинган, шу боис иқтисодиётнинг умуминсоний жиҳатларига бирламчи аҳамият берилган. Кўпгина иқтисодий ҳодисалар «изм»ларсиз ёритилган, шу билан бир қаторда «изм»ларнинг тарихда тутган ўрнига ҳам холис ёндашилади.

Дарсликда бизга мерос бўлиб қолган назарий принципларни, ҳозирги «Экономикс»лардаги бир қатор хулосалар билан биргаликда синтез қилишга моҳирона эришилган.

Иккинчидан, дарслик миллийлик руҳида ёзилган. Шу жиҳатдан уни назарияга бағишланган дастлабки миллий дарслик десак бўлади. Ундаги миллийлик — бу алломаларимизнинг фикрлари, Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифдаги пурмаъно фикрлар, халқ мақол - маталлари, Узбекистон ҳаётидан олинган мисоллар кенг қўламда ишлатилишида ҳам кўринади. Энг муҳими шундаки, барча назарий қонун ва қоидалар ўзига хос равишда талқин қилинган.

Учинчидан, дарсликда иқтисодиётнинг барча жабҳалари, халқ хўжалиги тармоқлари иқтисодиётига тааллуқли асосий кўрсаткичлар, категорияларнинг назарий асослари ҳам батафсил ёритилган. Бу ўринда ушбу дарслик бозор муносабатларини инобатга олган ҳолда кўпгина олий ўқув юртлари ўқув режасига киритилган иқтисодий тармоқ дарсликларини яратиш борасида назарий асос вазифасини бажариши мумкин.

Дарслик кенг жамоатчиликка, ўрта ва махсус билим юртлари (лицей, гимназия, коллеж) ўқувчиларига мўлжалланган «Иқтисодиёт алифбоси», «Бозор иқтисодиёти асослари» каби оммабоп ўқув қўлланмалари ва дарсликларни яратишда ҳам жуда қўл келади.

Тўртинчидан, ушбу дарслик янги мулкий муносабатлар батафсил ва ривожлантирилган назария билан баён этилган биринчи илмий асардир. Бу ўринда VII боб Узбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси ходимларини мулк ҳоҳасидаги янги категория ва тушунчалар билан таништиришга кумаклашади, шу билан бирга, мулк борасидаги қонун - қоидаларни ишлаб чиқишда илмий жиҳатдан дастуриламал вазифасини бажариши мумкин.

Бешинчидан, ушбу дарслик илк бор ўзида аралаш иқтисод концепциясини мужассамлаштирган мукаммал назарий дарсликдир. Бу борада муаллифлар республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўзига хос йўлларини инобатга олиб, аралаш иқтисод концепциясини ишлаб чиқишган , унинг бир қатор муҳим белгиларига батафсил тафсифномалар берилган.

Профессорлар А. Ўлмасов ва М. Шарифхўжаевларнинг «Иқтисодиёт назарияси» дарслиги нафақат илмий - назарий хазина, шу билан бир қаторда дарслик ёзиш тартиби бўйича ғоят мукаммал услубий қўлланмадир. Бу ўринда дарсликнинг қўйидаги афзалликларини таъкидлаш лозим, деб биламиз.

Дарслик анъанавий ёзиш услубларидан тубдан фарқ қилади. Ҳар бир бобнинг сўнгида такрорлаш учун саволлар, тест топшириқлари, ҳисоб — китоб топшириқлари, бошқотирма саволлар ва иқтисодий топишмоқлар келтирилган. Улар китобхонда катта қизиқиш уйғотади. Чунки уларга жавоб топиш учун китобни синчиклаб ўқишга зарурат туғилади. Такрорлаш учун тузилган саволлар ва топишмоқлар ўқувчиларнинг мазкур мавзуни қай даражада ўзлаштирганликларини назорат қилиш учун жуда қўл келади.

Сўнгра услубий афзалликларнинг яна бир жиҳати — унинг матнида жонли мисолларнинг кўплаб келтирилишидир. Улар иқтисодиёт қонун - қоидалари тасдиғи сифатида -хизмат қилади ва талабаларнинг нафақт назарий, шу билан бирга амалий томондан касбий маҳоратни мукаммал эгаллашларига имкон яратади.

Китобнинг охирида асосий тушунчалар ва атамалар рўйхати бобма - боб келтирилган булиб, улар китобхон диққатини дарсликда ёритилган асосий атамаларни чуқур билиб олишга қаратилгандир.

Хуллас, «Иқтисодиёт назарияси» бугунги кун талабига тўла жавоб беради.

Айрим истакларимиз ҳам йўқ эмас. Унинг ҳар бир бобида кўрилган масалаларга нисбатан турлича назария намоёндаларининг қараши, фикри берилса чакки бўлмас эди. Бозор иқтисодиётининг баъзи бир талқинлари тўғрисида сўз юритмоқчи бўлсак, унинг баҳсли томонлари ҳам борки, шу ўринда турли фикрлар ҳам айтиб ўтилса нур устига аъло нур бўрур эди.

Муаллифлар олга сурган концепцияларнинг баҳсли жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Албатта, тафаккур эркинлиги шароитида турли концепция бўлиши мумкин, чунки буни ижод эркинлиги талаб қилади. Яна фикримизча, дарсликнинг такрорлаш учун берилган саволлар таркибидаги топшириқ ва топишмоқларнинг баъзи бирлари мураккаб тузилган бўлиб, оддий китобхон уларга жавоб топишга анча қийналади. Китобнинг сўнгида адабиётлар рўйхати берилса, тузук бўлар эди.

Ҳеч шубҳасиз, китобнинг ижобий жиҳатлари бўлардан минг чандон устун. Дарслик ўз вақтида чоп этилган илмий — оммабоп китобдир. У мутахассисларнинг, айниқса ёшларнинг билим савиясини оширишга, кенг омманинг бозор ислоҳатларида фаол қатнашишига хизмат қилади. Бунга шак - шубҳа йўқ.

Ё. АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фанлари доктори, профессор.
Ф. КАРИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи, профессор.

РУСТАМЛАРИ БОРДУР БУ ЭЛНИНГ

Адолат истаб Тошкентга, Ўзбекистон прокуратурасига келганлар нуроний инсонни тез-тез учратишади. Бу киши прокуратуранинг фахрий ходими, фашизм билан кураш даврининг жангчиси, адлия генерали, одил ҳуқуқшунос Рустам Муҳамедовдир.

Бу инсон ташриф буюрган давраларда унинг сермулоҳаза суҳбатларини мириқиб тинглайдилар. Тўю маъракаларда одамлар қўлини фотиҳага очиб «Рустам ака бир дуо қилинг», деб иззатини бажо келтирадилар.

...Навоий вилоятининг қадимий шаҳарларидан бири Нуротага йўлингиз тушса, у ердаги минг йиллик чинорлар қўним топган қўрғон гузарига етаклашади. Бу ерда балиқлар ғуж-ғуж сузиб юрган афсонавий чашма — булоқ бор. Қадимий масжид қайта таъмирланяпти. Маълум давр қаровсиз қолган азалий маърифат ўчоғи — мадраса қайта тикланяпти. Ана шу — тарихий қадамжой яқинида 20-йилларда Муҳаммад ака деган бир муслимнинг хонадонида Рустам ака таваллуд топган.

Мамлакатда ҳукм сурган очлик ва тўфонлар аввал отани, орадан йил ўтмай онани боқий дунёга олиб кетди. Уйда икки гўдак изиллаб қолди: Истам ва Рустам... 10 яшар Рустамни етимхонага топширишди.

— Узоқ давр қўниқа олмай юрдим,— деб хотирлайди у.— Дадам бўйинларига миндириб ўйнатади, белбоғи қатидан майиз, ёнғоқ, туршак олиб беради. Баъзан қовун сўйиб едиради. Ойимлар эса менга қараб тўймайдилар, бағриларига босганлари-босган. Орқабошимни силаб ҳидлайдилар. Қувониб яйрайман. Уйғониб кетганимда эса... Ҳанузгача улар сиймоси хотирамда мужассам...

«Ановини обкетибди, фалончи қамалибди» деган гапларнинг чеки йўқ. Бу сўзларнинг маъзини Рустам тушунади. Сартарошлик қиладиган амакиси Авазни ҳам бехос турмушдан нолиб қўйганлиги учун «обкетишган» эди. Бедарак кетди. Одамлар бир-биридан қочади. Ҳадиксираб оёқ босишади.

Бу орада Рустамнинг бирдан-бир дардлашадиган акаси Истамни армия хизматига чақириб қолишди. Рустамга ягона суянчиғи — акасидан ажралиб қолиш оғир эди. Ўз кучини чамалаб кўриб, «мен ҳам ҳарбийлар сафида бўлишим керак» деган қатъий фикрга келди. Кўнгилли бўлиб навкарликка ёзилди. 1940 йилдан бошлаб Брест қалъаси гарнизонида хизматни ўтай бошлади.

Фашист газандалари хиёнаткорона босқинларини бошлаган саҳар унинг Слуцк шаҳридаги 55-дивизиянинг 228-ўқчи полкида оддий аскар бўлиб хизмат ўтаётган пайтига тўғри келди.

— Акам Истамни сўнгги бор урушнинг биринчи кунидаги жанг олдидан кўргандим, — хотирлайди Рустам ака,— ҳатто ҳоки қаердалигини... Хуллас, у биринчи қурбонлардан эди.

Командирлар сони ҳам камайиб бораверди. Қўмондонликда тезкорлик билан жанговар командирлар тайёрлаш эҳтиёжи туғилди. Бир қанча умидли жангчилар қаторида Рустам ҳам 1-Москва гвардиячи миномёт-артиллерия билим юртига жўнади. 1943 йил декабрида ёш офицер Рустам 2-Украина фронти 27-гвардиячи миномётчилар бригадаси ўт очар взводини қабул қилиб олди. У бошлиқ бўлинма жангларда мислсиз ботирлик кўрсатди. Аввал Россия тупроғини, сўнг Руминия, Польша, Чехословакия заминини душмандан тозалашга ҳисса қўшди, фашистларни ўз уясигача қувиб борди. «Қизил Юлдуз», «Ватан уруши» орденлари ва ўнлаб медаллар билан тақдирланди.

Уруш садолари тингач ҳам Муҳамедов жанговар сафда яна уч йил қолиб кетди.

1948 йил 8 йиллик ҳарбий ҳаётдан сўнг Рустам ака шинелини фуқаролик уст-бошига алмашиб, Тошкентга қайтди, ҳуқуқшунослик мактабига ўқишга кирди. Икки йилдан сўнг эса Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳрига прокурор ёрдамчиси, сал ўтмай Шеробод тумани прокурори этиб тайинланди. Рустам ака иш билан ҳамоҳанг ҳуқуқшунослик факультетида сиртдан ўқиб олий маълумот олди.

Шундан сўнг Қорақалпоғистонда ишлади, туманлараро прокурорликдан — республика прокуроригача бўлган йўлни босиб ўтди. Бу ерда халқ мулкини «туя» қилаётганлар казо-казо жиноий гуруҳларни аёвсиз фош этишда бошқош бўлди. Булар Рустам акага осон кечган эмас...

Рустам Муҳамедов 1965 йилда Хоразм вилояти прокурори этиб тайинланди. 1967 йилда «Шавкатли меҳнати учун» медали, 1968 йилда 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси — адлия генерали унвони соҳиби бўлди. Кейин Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида тармоқ раҳбари бўлиб турди. Ҳозир жиноятчилик муаммолари ва прокурор ходимлари малакасини ошириш ўқув даргоҳи дарғаларидан бири.

Уни кўпроқ ўйлантирадиган тарафи, ўзига ҳамтақдир бўлган — эрта отаона меҳридан маҳрум бўлганлардан ташқари тирик етимлар муаммоси эди. Оилавий муносабатлар бир нисбатга келмаганлиги, қонунлардаги номукаммалликлар, бўлар-бўлмасга оилалар синаётганлиги оқибатидан тўкилаётган кўз ёшлар, мўлтираб турган ғамгин болаларнинг чеҳралари ўйлантирарди уни. Рустам ака бўш вақтидан чегириб қолиб оила хусусида ишлади, мақола, маъруза, рисолалар ёзди. Ҳуқуқшунослик фанлари номзоди диссертациясини ёқлади.

Тажрибали амалиётчи, муштарак олим сифатида Рустам Муҳамедов республикамизнинг мустақиллик Қомуси — биринчи Конституцияси лойиҳасини тайёрлаш ишчи комиссиясининг аъзоси сифатида ҳам фидойилик кўрсатди. Оилага тегишли боблар, моддаларга Рустам аканинг меҳнати сингди.

Рустам ака ва Анвархон опанинг етти фарзанди, бир этак неваралари бор. Ўғиллари Азамат ва Алишер ҳуқуқшунос, Мавлудахон, Матлубахон, Ҳилола маърифат ўчоқларида илмий изланиш билан машғул. Неваралари эса қўлай пайт топишди дегунча бобожон ва моможонлари ҳузурига югуришади.

Рустам акани тўйи арафасида борганимда бироз ғамгин ва ўйчан ҳолда учратдим. Таваллуд кунларига қуролдошларидан келган табрик хатини кўрсатдилар. Ундаги «бутун бошли дивизиядан 20 — 30 киши қолибмиз, умр ўтяпти. Фашизмнинг уйига ўт тушсин. Соғ бўл, оила аъзоларингга таъзимимизни етказ» деган сатрларни мен ҳам ҳаяжонда ўқидим.

Рустам ака, Сизнинг — оддий қишлоқ деҳқонининг етим қолган нишонаси босиб ўтган излар: жангчи-офицер, прокурор, Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган ҳуқуқшунос, прокуратуранинг фахрийси, ҳуқуқ тарғиботчиси, адлия генерали, олим, ота ва ниҳоят, ИНСОН ва мураббийликнинг умри боқийдир.

Файзулла ҚИЛИЧЕВ,
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ОЛТМИШ ТЎРТ ЁШЛИ ТОЛИБ

ёхуд Брест қалъаси ҳимоячиси

Муҳаммаджон ака Брест ҳимоячилари орасида собиқ Иттифоқ бўйича ҳисобласак Ўзбекистондан саноқли тирик қолганлардан бири десак лоф бўлмас. Қаҳрамон қалъа шуҳрат музейининг 8-залида катта портрети осиғлиқ. Тагида жасоратини улуғловчи илиқ сўзлар ёзилган. Ҳар йили унга Брестдан ғалаба байрамида қатнашишга махсус таклифнома келади. Деярли ҳар сафар боради. Тобора камайиб бораётган қуролдош дўстлари билан дийдор кўришади.

... Уруш бошланди. Ватан ҳимоясига бир гуруҳ ўзбекистонлик йигитлар билан Тошкентдан тўғри Бреста келишди. Аёвсиз жанглар, суронли ҳаёт сувдай оқиб ўта бошлади. Мағлубиятларнинг аччиқ сабоғию, ғалабанинг тотли нашидаси ўша кунларнинг мангу ёдгорлиги бўлиб қолди. У Брест қалъаси музейининг илмий ходими, «Туркистон»,«Ватанпарвар» газеталарининг сайёр мухбири сифатида турли жойларда қизғин учрашувлар утказди. Бетиним изланишлар, ёзишмалар натижасида номаълум жангчиларнинг жасорати, бедарак тақдирларнинг маълум бўлишига сабаб бўлди. Очиғи, Муҳаммаджон ака Тошкент, Бекобод шаҳарлари кўчаларидан бири Брест дея аталишида, Зоминдаги катта кўча, ўрта мактабга мардларча ҳалок бўлган қуролдош дўсти Авазмат Ниёзматов номи берилишида ташаббускорлардан.

Аввало, ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини ўз хонадонидан бошлади. Оиласи, фарзанди билан Украина, Белоруссияни, жанг қилган жойларини зиёрат қилди. Ўғли Равшанни фақат Брестда яъни ўзи хизмат қилган қисмга боришини хоҳлади. 81-йили мудофаа вазирига илтимоснома ёзиб, бу ниятга эришдиям. Ўзи бориб жойлаштириб келди. «Юз йил яшасанг, юз йил ўқи» деган нақлга амал қилиб, олтмиш тўрт ёшида ТошДУнинг журналистика факультетига ўқишга кирди ва саксон саккизинчи йили етмиш ёшида сиртдан битирди. Ҳозир етмиш еттида. Худога шукур, тетик, бардам. Юрт кезиб, ёзиб, учрашувлар утказиб, Галабанинг 50 йиллигига тайёрланиб юрибди.

«Қирқ йил қиёмат қойим бўлса ҳам ажали етган уларкан. Москва учун жангларда қорнимни ўқ ялаб ўтди. Сталинградда оёғимнинг ғуштини юлиб кетди, даволаниб яна жанга қиравердим. Шукрки, омон қайтдим. Асрий орзумиз — истиқлолга эришдик, ундан умидимиз катта. Қиладиган иш кўп, ҳали уладиган нодон йўқ», — дейди ҳазил аралаш Муҳаммаджон ака.

1945 йил уруш тугагач, ун йил Украинада яшади, ишлади ва эллигинчи йилларда Муҳаммаджон Валиев Ровно район, Дядьковичи қишлоғида Шевченко номли саноат артели тузишда ташаббускор бўлди. Унинг саъй-ҳаракати билан бир қатор колхозларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш устахоналари, Ясениничи қишлоғида эса торф тайёрловчи корхона очилди. Шоир «ул ватан ичра бир ватан истар кўнгил» деб ёзганидек, туғилиб ўсган юрти, онаси, жигарбандлари, ёр-жўралари кўз ўнгида ўтаверди. Қайтмоққа ижозат сўраб мурожаат этди, лекин қўйиб юборгилари келмади. Айниқса, коммунистлигини пеш қилиб, ҳисобдан чиқаришмади. Ўзбекистон Компартияси МК биринчи котибига мурожаат этганидан кейингина, эллик бешинчи йилда, миннатдорчилик билдириб, рухсат беришди.

Ун йил Бекободда турли лавозимларда ишлади. Ун беш йиллик ҳаёти, фаолияти қўшни Тожикистон билан ҳам боғлиқ. («Кеннойингиз Хўжанддан. Қайнотамиз вафот этгач, қайнонамиз ёш болалар билан қийналиб қолди. Бир оила бошига ташвиш тушса, кўёв бўлиб қараб турсам яхшимас, дедим. Маслаҳатлашиб,кўчиб кетдик. ДОСААФда ишладим. Етимларни уйладик, ўзатдик, оилани оёққа қўйдик. Кўнгил она юртни қумсайверди. Қайтдим»).

БРЕСТ. ЖАНГДАН БИРИНЧИ ЛАВҲА. «Саҳармардонда гумбурлаш, казарманинг ларзага келиши, деразаларнинг чил-чил синишидан уйғониб кетдик. Шанба бўлгани учун аскарлар уйларига хат ёзишиб, бошқа қисмларга меҳмонга бориб, узоқ суҳбатлашгани учун бемалол ухлаб етишганди. Ҳаммаёқ ёришиб кетди. Бугнинг нариёғидан сон-саноқсиз замбарак ўқлари ёғилар, самолётлар тинимсиз ғувиллаб бомба ёғдирар, бензин, керосин, солярка тўлдирилган бочкалар ташлашар, ёнғин, тутун, қий-чув, қиёмат-қойим бўлиб кетди. Уруш! Эрталаб соат тўққизда ҳаммаёқ қуршаб олинган эди. 125-ўқчи полкнинг 2-батальони яъни мен командир бўлган взводга жанг билан қуршовни ёриб ўтиш, запас йўлларидан хотин-қизлар, бола-чақаларни олиб чиқиб кетиш, ўқ-дори, озиқ-овқат омборларидан улгурганимизча олиб, қолганини ёндириш ҳақида буйруқ бўлди. Қалъани, шаҳарни яхши билганимиз қўл келди. Анча қурбонлар бердик. 24 июнда ёриб чиқдик. Жабенка станцияси, Кобрин, Пинск шаҳарчалари учун жанг қилиб, Смоленск томон йўл олдик.

БРЕСТ. ИККИНЧИ ЛАВҲА. Қирқ тўртинчи йили Брестни озод қилганимиз бир умр ёдимда. Қадрдон шаҳар кўзимга оловдай кўриниб кетди. Шиддатли жанг кетяпти. Немисларнинг чегара шаҳарни ташлаб чиққиси йўқ. Қадам-бақадам илгарилаб боряпмиз. Ўқ ёмғири кўз очирмайди. Бир пайт қизалоқнинг аччиқ йиғисини эшитиб қолдим. Юрагим увишиб кетди. Кўчанинг у юзига қандай эмаклаб бориб қолганимни билмайман. Қизча менга мунгли термулди. Очликдан, йиғидан силласи қуриб қолибди. Овутдим. Жанг ўтиб кетгач, кўтариб санчастга олиб бориб, овқат бердик. Исмини сўраймиз, айтмайди. Дам йиғлайди, дам кулади. Оти Мира бўла қолсин, тинчлик рамзи... Фамилияси... Менинг қизим бўлгандан кейин Абдувалиева бўлади-да, дедим. Қизалоқни болалар уйига топширишни келишиб, пешонасидан ўпдим-да, қисмимга, жангу жадалга шошилдим... Шу-шу куну тун, ётсам ҳам, турсам ҳам Мира кўз ўнгимдан кетмай қолди. Қош-кўзлари попукдай, малласоч қизалоғим, тақдиринг қандай кечдийкин? Уни узоқ изладим. Ниҳоят, етмиш тўртинчи йили, ғалабанинг ўттиз йиллигига Бреста борганимда топдим. Олдин радиодан айттирдим, газеталарга ёздим. Мира ҳам қўпдан бери излаётган экан: халоскоринг тирик бўлса албатта излаб топади, деб айтишар, далда беришар экан одамлар. Тутинган ота-боланинг дийдор кўришиши, ҳаяжонли кўз ёшларини сўзда ифодалаш қийин...»

Суратда: Брест шаҳри. Талабалар зоминлик қаҳрамон Авазмат Ниёзматов қабрини зиёрат қилишмоқда.

Брест қаҳрамони, Ватан ҳимоячиси, урушнинг энг қайноқ нуқталарида жанг қилган, қўлида қуроли, елкасида юки билан ярим Оврупани, асосан, пойи пиёда кезиб чиққан Муҳаммаджон Абдувалиевнинг жанговар ҳаётидан бир неча лавҳа келтирдик. Бундай воқеалар ўнлаб, юзлаб.

Муҳаммаджон аканинг ён дафтарида ўзбекистонлик Брест ҳимоячиларининг каттагина рўйхати бор.

«Қўплари у ерда қолди, баъзилари қайтиб келди. Йиллар ўтяпти. Афсуски, сафимиз тобора камайиб боряпти. Баъзан бир ўзим қолмадиммикин, деган хаёлларга бораман. Мабодо ушбу мақолани ўқиб, Брест ҳимоясида қатнашган қуролдошлар, таҳририятга, ёки менинг номимга икки энлик хат ёзиб, манзилини маълум қилишса, бошим кўкка етган, булардй», — дейди.

«Мен икки марта қасамёд қабул қилганман, — дейди Муҳаммаджон ака.— Бири Брестда, тириклар қаршисида, ҳарбий қасамёд: бир томчи қоним қолгунча Ватанни ҳимоя қилишга тайёрман.. Иккинчиси — Берлинда, ўликлар қаршисида, фуқаровий қасамёд, ҳалоқ бўлган жангчилар, қуролдош дўстларим хотирасини абадийлаштиришга то сўнгги нафасимга қадар ҳисса қўшаман! Худога шукур, ҳар иккисини ҳам адо этдим ва адо этяпман».

Сайди УМИРОВ.

Ғалла мустақиллиги йўлида

РОСА ЭККАН СОЗ ОЛАР

Сирдарё вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Ғаффор АБДУРАҲИМОВ билан суҳбат

Вилоятда ғаллачилик сезиларли равишда юксала бошлаганининг боиси нимада? Ҳозирги эришилаётган натижалардан қаноат ҳосил қиласизми?

— Утган йили биз вилоятимиз бўйича 60 минг гектар ерда ғалла етиштирдик. Шундан 37 минг гектари суғориладиган ерлар эди. Ана шу майдонлардан 90 минг 455 тонна ғалла олдик. Шундан 80 минг тоннаси давлатга ҳотилиб, бу борадаги режа бажарилди. Ҳосилдорликни эса вилоят бўйича олдинги йилдагига нисбатан 3 центнерга оширишга муваффақ бўлдик. Вилоятимизнинг Оқолтин тумани ғаллакорлари бу борадаги кўрсаткични 32,2 центнерга етказишиб, республикада ибратли натижаларга эришдилар. Вилоятимиздаги 254 та ғаллачилик бригадаси ва оилавий пудратчилар ўртача ҳисобда 30-50 центнердан ҳосил олдилар. Демак, бу соҳанинг келажагига катта умид билан қарашга асос бор. Аммо дастлабки яхши натижаларданоқ кифояланиш ўз қадр қимматини билган асил ғаллакорларга хос эмас.

— Бу йилги режалар шундан далолат берадими?

— Бултур кузда 94 минг гектар ерга ғалла экканмиз. Шундан 77 минг гектари — унумдор, суғориладиган экин майдонлари. Шу ерлардан ўрта ҳисобда 27,3 центнердан ғалла олиш, умумий хирмонимизни эса 256 минг тоннага етказишга аҳд қилганмиз. Агар эътибор қилган бўлсангиз, бу ўтган йилги олинган хирмондан деярли 2,5 баробар кўп демакдир. Суғориладиган майдонлардан олинадиган ғалла ҳосилдорлигини эса ўрта ҳисобда 31 центнерданга кўтариш ҳаракатидамиз. Ўтган йили юқори ғаллакор пудратчиларимиз 50 центнерлик маррани эгаллашган бўлса, бу йил Оқолтин туманидаги «Фарғона» ширкатлар уюшмасидан Т. Қодиров ўз жамоаси билан 70 центнерлик хирмон учун курашмоқда. Бундай мисоллар кўп. Мақсадимиз — илғорлар сафи бундан ҳам кенгайса, деймиз.

— Ғаффор Абдураҳимович, ниятлар чакки эмас экан. Лекин буни амалга ошириш ҳам осон бўлмаса керак?

— Биз энг аввало, ишни ўтган йилда йўл қўйилган камчиликларни таҳлил этишдан бошладик. Уларнинг такрорланишига йўл қўймаслик чораларини кўряпмиз. Мутахассисларимизнинг таҳлил этишларича, 1994 йил барча имкониятлардан тўла ва самарали фойдаланилмади. Жумладан, экиш муддати асоссиз суратда 78 кунга чўзилиб кетди. Бунинг устига қатор туманлар ва хўжаликларда уруғчиликка етарли эътибор берилмади. Шунингдек, озиқлантириш, суғориш сингари муҳим агротехник тадбирларни амалга оширишда ҳам камчиликларга йол қўйилди. Бу йил кузимиз анча очилди. Ғаллачиликда ишлаётган мутахассислар, раҳбар кадрлар масаласини қайта кўриб чиқдик. Унумдор экин майдонларини ажратиш билан бирга масаланинг бошқа ташкилий-иқтисодий томонларига ҳам алоҳида эътибор беряпмиз.

— Вилоятда ўрим-йиғим техникасини ҳозирдан мавсумга тайёрлаш қандай боряпти?

— Илгари йўл қўйилган нуқсонларни такрорламаслик учун биз ҳозирдан 719 та ғалла ўриш комбайнини ўрим-йиғимга шайлаб қўйишимиз лозим бўлади. Ўзимиздаги комбайнлар қаторига яна бу йил 213 та янгисини сотиб олаётирмиз. Қисқаси, яқин вақт ичида 70 фоиз комбайнни мавсумга шайлаб қўямиз. Қолганларини ҳам иложи борича барвақт муҳайё этиш мақсадида қатор туманлар ва хўжаликларимиз вакиллари қўшни республикалар ҳамда вилоятлардан ўзларига шериклар қидиришмоқда. Мавсум арафасида бу муҳим тадбир тула-тўкис ниҳоясига етказилади, деган умидламиз. Жумладан, Оқолтин туманида ҳозирнинг ўзидаёқ барча чоралар ишга солиниб, техника юз фоиз мавсумга созлаб қўйилди. Қолган туманларда ҳам бу борада астойдил ҳаракат қилиняпти.

Суҳбатдош:
У. АБДУЖАЛИЛОВ.

Ислоҳот одимлари

Асака шаҳридаги ёғ-экстракция заводи жамоаси истеъмолчилар эҳтиёжини ҳисобга олиб, совун цехи қуришни бултур бошлашганди. Яқинда цех ўзининг дастлабки маҳсулотини бера бошлади.

— Изласа имконият топиларкан, — дейди корхона директори Абдувоҳид Сотволдиев. — Илгари маҳсулотнинг бир қисми чиқитга чиқиб кетарди. Бозор муносабатлари бизни тадбиркор бўлишга ундади. Шу боис, хом ашёни тежаб-тергашга, чиқитсиз технологияга ўтишга ҳаракат қиляпмиз.

Дарвоқе, бу ерда янги технологияни ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мутахассислар республикадаги йирик турдош корхоналарда бўлиб, хориж технологиясини татбиқ этиш йўлларини ўрганиб қайтишди. Маълум бўлишича, кўпгина заводларда асосий воситалар эскирган, янгисини сотиб олишга эса имконият йўқ. Ҳозир четдан ёрдам кутиш пайти эмас. Муҳандис-техниклар шуни ҳисобга олиб, ўзлари янгилик яратиш, хом ашёни чиқитсиз қайта ишлаш йўлларини ахтардилар.

ОДАМНИНГ ҲУСНИ МЕҲНАТДА

Ҳалол меҳнатнинг нони ширин бўлади. Бу каломнинг тўғрилигига биз корхонанинг кўп йиллик фидойилари — Сойибназар Қодиров, Абдусалом Усмонов, Абдуҳалим Эминов, Козим Нишоновлар билан учрашиб, уларнинг дил сўзларини эшитганимизда яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

— Одамнинг ҳусни меҳнатда, — дейди ишчи Ўрмон Ҳакимов. — У қаерда ишламасин, ўз ишига меҳр қўйгандагина касб-коридан барака топади. Жамоанинг аҳиллиги эса бу баракага кўмак бўлади. Бир мисол. Корхона ўтган йили 9 минг тоннага яқин пахта ёғи, 46,5 минг тонна кунжара, 23,5 минг тонна шелуха ишлаб чиқарди. Қарийб 71 минг тонна чигитни ва 23,5 минг тонна соя ўсимлиги маҳсулотини қайта ишлади. Жами 64 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришилди.

Айни пайтда олинган фойда эвазига жамоа аҳлининг моддий аҳволини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари кўрилди. Ойлик маошлар оширилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган кишиларга ёрдам пули ажратилди. Ҳозир ишчи-хизматчилар учун арзон нархларда турли мева-сабзавотлар, гуруч, ёғ, ун, гўшт, шакар берилмоқда. Ўнлаб нафар ишчилар дам олиш уйларида, профилакторийларда бепул дам олишяпти.

Яқинда заводда яна бир янгилик юз берди: Тикувчилик цехи ишга туширилди. Ёғ заводига тикувчилар нимага керак, дерсиз. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Негаки, корхона раҳбарияти тадбиркорлик билан иш юритиб, асосий ишлаб чиқаришдан қисқартирилган ва четдан жалб қилинган 40 нафар хотин-қизни тўлиқ иш билан таъминлади. Энди сўнгги янгиликни эшитинг: бу ерда мутахассислар бетон ишлаб чиқариш цехи лойиҳасини ҳам тайёрлаб қўйдилар. У ишга туширилса, завод тармоқларини кенгайтиришга хизмат қилади. Ортиқча маҳсулот эса четга сотилади.

Раъно ТОЖИАЛИЕВА.

Савобли ишлар

ГУЗАР БАРПО ЭТИЛДИ

НАМАНГАН. Усмон Юсупов номли маҳалла Ҳаққулобод шаҳрининг обод жойларидан. Бу ерда аҳолига турли қулайликлар яратилган. Ободончиликда ЎзХДП ҳудудий ташкилот аъзоларининг ҳам ҳиссаси бор. Ҳаққулобод механизациялашган кўчма колоннаси жамоаси ҳам кўмакдош бўлиб туришибди.

Яқинда маҳаллада гузар барпо этилди. Қурилиш-ишларини колонна бунёдкорлари амалга оширишди. Миллий таомлар ошхонаси, гўшт дукони, чойхона аҳолига хизмат қилмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийлари гузарнинг очилиш маросимида қатнашиб, савобли иш ташаббускорларини дуо қилишди. Ҳозир бундай хайрия ишларининг издошлари ҳам пайдо бўлган. Чунончи, Норин пахта тозалаш заводи жамоаси ўз ҳудудидаги маҳалла учун гузар қуриб беришни бошлаб юборди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ.

Кадрият

ҲОЖИ ОНАНИНГ ҲИММАТИ

ФАРҒОНА (мухбиримиздан). Марғилондаги Тинчлик кўчасида Ўктамхон ая Йўлдошева деган онахон истиқомат қиладилар. У киши ўтмишга, олис тарихий обида ва осори атиқаларга меҳр қўйган.

Ўктамхон ая қадимий мис идишларини йиғиш билан шуғулланади. Яқинда у киши XIX ва XX асрларга оид 132 та нодир мис идишларни вилоят ўлкашунослик музейига инъом этди. Мутахассислар фикрига қараганда, бу идишлар тарихий ва илмий аҳамиятга эга. Улар орасида эрамиздан аввалги V асрга тегишли бронза қозони борлиги диққатга сазовор.

Алишер ИБОДИНОВ.

Хотира

СОҲИБҚИРОН ЁДИ

ШАҲРИСАБЗ (мухбиримиздан). Шаҳар санъат саройида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги, Амир Темур жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази уюштирган бу анжуманга олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари таклиф қилинди.

Бугунги ўзгаришлар даврида истиқлол мафкураси, маънавий, маърифий қадриятларнинг жамият ва халқ ҳаётидаги ўрни беқиёс. Буюк бобокалонимиз ёдига бағишланган анжуманда эса Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А.Қаюмов «Амир Темур қиссаси»нинг қўлёзма нусхаси», тарих фанлари доктори А. Ўринбоев «Амир Темур даврини ўрганишнинг асосий манбалари», филология фанлари доктори Ҳ.Ҳадабоев «Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати», филология фанлари номзоди О. Бўриев «Темур давлатининг халқаро алоқалари», филология фанлари доктори Ҳ. Содиқов «Темурнинг эски уйғур ёзувдаги ёрлиқлари тўғрисида», Қарши давлат дорилфунуни ўқитувчиси О. Жўрақулов «Темурнинг Марказий Осиёда тутган ўрни» мавзуларида маъруза қилишди.

Юнус УЗОҚОВ.

Тадбиркорлик

ОРОМГОҲЛАР ФАХРИЙЛАР ХИЗМАТИДА

НУКУС (мухбиримиздан). Эллиққалъа туманида оромгоҳ жойлар кўп.

«Форобий» фермер хўжалигида фойдаланишга топширилган оромгоҳ 100 кишига мўлжалланган. Бу ерда дам олиш учун қулайликлар муҳайё. Оромгоҳнинг фойдаланишга топширилиши ўзига хос тантанага айланди. Туман ҳокими А. Казиевнинг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг муовини А. Тожибоев, Қорақалпоғистон касаба уюшмалари кенгаши раиси Б. Юсупова, уруш ва меҳнат фахрийлари республика кенгаши раиси Т. Шербековлар йиғилишда сўзладилар. Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан оромгоҳда илк марта уруш ва меҳнат фахрийларидан 100 киши бепул дам оладиган бўлди.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ.

Байрам арафасида

БОҒ БАРПО ЭТИЛМОҚДА

БУХОРО (мухбиримиздан). Шаҳарнинг тўқимачилик тумани марказида Ғалаба боғи барпо этилянти.

Туман ҳокими қарори билан боғ учун 1,8 гектар ер ажратилди. 750 туп мевали, 1200 туп манзарали дарахт кўчатлари утқазилди. Бундай хайрли ишга қўл уришда уруш ва меҳнат фахрийлари, партия фаоллари ташаббус курсатишди. «Бухороқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг ишлаб чиқариш-техника мажмуалаш бошқармаси жамоаси боғда болалар қаҳвахонаси биносини қурди. Чумилиш ҳавзаси, ёзги театр, от уйин, автодром каби кўнгилочар масканлар ҳам бунёд этилади.

Даврон БАҲРОНОВ.

Ёднома

АНДИША



Шуҳрат акани биринчи марта Ёзувчилар уюшмасида кўрган эдим. Йигирма тўрт варақли дафтар тўла шеърларимни олиб, уюшма хоналаридан бирининг эшигини очдим. Рухсат сўраб, ичкарига кирдим. Тўрда нуроний чеҳрали киши нималарнидир ўқиб, ёзиб ўтирган экан.

— Келинг-келинг,— деб ўрнидан туриб илиқ кўришди. Сочлари пахтадек оқ.

Шеър олиб келганимни, адабиётга қизиқишимни айтиб дафтаримни кўрсатдим. Домла оҳиста олиб, варақлаб чиқди-да:

— Ҳозир мажлис бошланади. Икки кундан кейин келинг. Ўқиб кўяман. Бемалол гаплашамиз.— дедилар.

Икки куннинг ўтиши жуда қийин бўлди. Кўнглимга ҳар хил гаплар қутқу соларди. Шуҳрат аканинг шеър, ҳикояларини газета-журналларда ўқигандим. Шеърларимни олиб қолган, овозида меҳрибонлик балқиб турган бу кишининг шоир Шуҳратлигини билардим. Фақат сочларининг бунча оқлиги расмда сезилмаганди. Шунинг учун гоҳ ширин ўй-хаёллар қанотида парвоз қиламан. Шуҳрат ака «Туппа-тузук шоир экансан-ку. Нега олдинроқ келмадинг. Ёшлик қилгансан-да, тортингансан. Майли, зарари йўқ. Шеърларинг менга ёқди» деётгандай, гоҳ «Шуям шеър бўлдими? Шеър нималигини биласанми, ўзинг? Эссиз шуни ўқишга кетган вақтим. Кўлингдан келмаса нима қиласан бошимни қотириб»,— деётгандай туюларди. Икки ўт орасида ёниб, узоқ икки кунни қувончу умид, азобу пушаймон, аламу илинж билан ўтказдим.

Ниҳоят, юрак ҳовучлаб кириб бордим. Шуҳрат ака отимни айтиб кутиб олди. Юзма-юз ўтириб, раҳмдил, меҳрибон овозда гапира бошлади. Шоирлик, сўз санъати, нафосат, назокат, муомала маданияти, ҳалоллик ҳақида гапириб туриб:

— Ғафур Ғуломни кўп ўқиркансан,— деди.— Шеърларингда ҳаво кўп. Баландпарвоз сўзлар мазмун паракандалигини бекитолмайди. Битта шоирни ўқийверсанг унинг йўлига тушиб қолгасан. Кейин ундан чиқиш қийин бўлади. Кўп ўқиш керак. Лекин ўз гапингни айт. Ана шунда ўз йўлингни топасан...

«Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар» деган мақолни шу куни умримда биринчи марта Шуҳрат домладан эшитганман. Ҳар бир ҳаваскор ёшга устоз ўгити, маслаҳати керак экан. Ўша дафтардаги бир икки шеър газеталарда босилдиям. Кейинроқ ўқиб кўрсам, ҳақиқатан ҳавойи гаплар экан.

Шу суҳбатдан кейин шеър ҳақида жиддийроқ ўйлайдиган бўлдим. Унга қадар мен суҳбатлашган кишилар «фалон мавзуда ёзсанг, ҳеч қачон шеъринг босилмайди, фалон мавзуда ёзсанг босиладию, лекин кўп тўсиққа учрайсан, партияни, Ленинни, пахтани мақтаб ёзсанг, чиқариш осон бўлади», дейишарди. Кўпчилик шу фикрда эди. Шунинг учун шеърнинг сўз санъати эканлигини эмас, қандай қилиб тезроқ бостиришни, газета-журналларда номи кўринишини ўйлашарди. Мени маълум мақсадга хизмат қилиш, тезроқ матбуотга кўринишга уринмаслик ҳақида огоҳлантиргани учун Шуҳрат домладан умрбод миннатдорман.

***

Орадан йиллар ўтди. Шуҳрат домланинг «Сенинг севгинг», «Ишқингда ёниб» сарлавҳали шеърий китоблари кетма-кет босилди. Китобхонлар уларни қизғин кутиб олишди. Айниқса, ёшлар орасида машҳур бўлиб кетди. Кўлма-кўл ўқилар, мақтов ва таҳсинларга сазовор бўларди. Муҳаббатга интиқ ёки кимгадир кўнгил қўйган ошиқ-маъшуқлар китобдаги оҳанрабо ишқий шеърларни дафтарга кўчириб олар, ёдлар, дўстлар даврасида тўлиб-тошиб ёдаки ўқир, ўз кечинмаларини изҳор қилаётгандай ҳаяжонга тушар эди. Мустабид тузум мафкураси, қатағонлар туфайли шиор-бозликка, сохта бахтиёрлик мадҳиясига айланиб қолган шеърият таназзул ҳаётий мазмун касб эта бошлади. Ҳайқириброқ бўлса ҳам инсоннинг табиий кечинмаларини ифодалаш сари юз берди. Бу жараённи Шуҳратнинг шу икки тўплами бошлаб берган бўлса ажаб эмас.

«Муштум»да ҳам, нашриётда ишлаганимда ҳам Шуҳрат ака билан кўп учрашганмиз. Таҳририятга келиб, узоқ-узоқ суҳбатлашиб ўтириб, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Авлоний, Тавалло, Хуршид, Ғулом Зафарий каби ижодкорлар ҳақида ўзлари гувоҳ бўлган воқеаларни ҳикоя қилиб берардилар.

Шуҳрат аканинг қамалиб чиққанини кейинроқ эшитдим. Унга қадар ҳам ҳурматим чексиз эди. Эл-юрт, тил, миллат тақдирига бефарқ бўлмагани учун қамалиб чиққанини билгач, меҳрим янада ошди. Лекин ўша давр ҳақида сўрашга юрагим дов бермади. Кўнгил жароҳатини янгилаб қўяманми, деб қўрқардим.

Бирор газета-журналда шеърим босилган куни Шуҳрат ака албатта хонамизга кириб келар, узоқ суҳбатлашиб ўтирар, умр қадри, вақт ғаниматлиги ҳақида гапирарди.

— Ҳозир ёзадиган пайт. Ёшликда ёзиб қолинглар. Ёш эллиқдан ошгандан кейин ёзиш қийинлашади. Ҳаёт қизиқ. Ёшликда танинг соғ, кучинг кўп, лекин тажриба етмайди. Қариганда тажриба ортади, лекин куч етмайди. Шунинг учун ёшликда кўпроқ ёзиш керак.

Бир куни (1980 йилнинг кузи) Шуҳрат ака хонамга кириб келди. Нуроний чеҳрасида мамнунлик бор эди.

— Кеча телевизорда кўрдим. Яхши шеърлар ёзибсан. Шеърларингни эшитиб, Чўлпонни эслаб ўтирдим...

Шуҳрат ака беҳад самимий, бировнинг муваффақиятидан терисига сиғмай қувонадиган, бировга озор бермайдиган одам эди. Бошимга оғир кун тушиб, қийналиб юрган пайтларимда ҳам гоҳ йўлда, гоҳ ишхонамда бу инсонни кўрар, самимий муомаласи, нуроний чеҳрасидан мадад олиб кўнглим ўсар, руҳим енгиллашарди. «Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр» дердилар.

Домла Машраб ҳақида роман ёзаётганларини айтардилар. Машрабнинг авлиё одамлиги, феъл-атвори, манбаларда ҳикоя қилинган воқеалар, мизожларни тўғри тушуниш, тўғри талқин қилиш... Машраб ҳақида асар ёзиш учун одам ҳалол бўлиши лозим деб таъкидлардилар. Асар домла тириклигида босилмади. Тугалланганми, йўқми, билмайман.

Шуҳрат аканинг оғир дардга чалинганларини эшитиб, афсус-надоматлар чекдим. Бир куни Тоҳир Малик билан домланинг «Ғалаба» боғи яқинидаги ҳовлиларига бордик. Домла шифохонадан узоқ даволаниб чиққан эдилар. Ҳовлига стол-стуллар қўйилган. Домлани ўғиллари уйдан суяб олиб чиқди. Келинойи парвона бўлиб юрибди. Домлани кўриб ўпкам тўлиб, томоғимга бир нарса тиқилгандай бўлди. Кўзларимдан ёш оқа бошлади. Ўзимни тўхтатолмайман. Касал одам менинг йиғлаётганимни кўриб, дарди оғирлашмасин деб ҳижолат бўламан. Ниҳоят, ўзимни қўлга олиб, аҳвол сўрадим. Яқиндагина соппа-соғ, ҳаммага яхшилик тилаб, яхшилик қилиб юрган одамнинг аҳволини ўйлаган сари кўзимга ёш қалқади.

Кейинги йил август ойида ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод уйида эдим. Шуҳрат акани ҳам олиб чиқишди. Барака топкур болалари меҳрибонлик қилиб, хабар олиб туришарди. Кечки овқатдан кейин салқин хиёбонда сайр қилиб айланардик. Шуҳрат ака ёғоч ўриндиқда ўтирган экан. Саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрадим. Бир пас гаплашиб ўтирдик. Шунда домла:

— Маъруфжон, сизни бир хафа қилган эдим. Шундан бери ўйлайман. Кўнглингиздан қандай чиқарсам экан?

— Домла, мен сиздан хафа эмасман. Бунақа гапларни ўйламанг. Сизни устоз деганман. «Устоз отадан улуғ», деганлар. Устоздан хафа бўлиш мумкинми! Мен сиздан кечирим сўрайман, домла. Ҳечам сизни ранжитмоқчи эмас эдим. Ўшанда бошқа ишни олиб, сизнинг Москвадан қайтишингизни кутсам яхши бўларкан. Лекин Сизнинг китобингизни кечиктиришдан андиша қилган бўлсам керак...

Воқеа бундай бўлганди. Шуҳрат ака машҳур гуржи шоири Бараташвилининг шеърларини таржима қилган, тўплам нашриёт режасида бор эди. Тўпламни таҳрир учун менга беришди. Таржимани русча матн билан солиштириб, баъзи сўз ва мисраларини таҳрир қила бошладим. Тажрибали, катта шоир. Шунча романлар, достонлар, манзумалар ёзган. Қатор шеърий китоблар нашр эттирган, китобхонга манзур бўлган ижодкор... Шундай одамнинг асарига ёш бир муҳаррир ўзича тузатиш киритавериши одобдан эмас. Маслаҳат қилмоқчи бўлиб домланинг уйларига қўнғироқ қилдим. У киши Москва томондаги ижод уйига кетган эканлар. Китоб тез босмахонага туширилиши керак. Бошлиқларга айтган эдим, русча матнга мослаб таҳрир қилаверинг, дейишди. Қўлёзмани қўлдан чиқариб, босмахонага топширдик. Терилиб келди.

Шуҳрат ака Москвадан қайтиб келганда китоб босишга тайёр бўлган эди. Корректурани ўқидилар-да, хафа бўлиб, таҳриримни «брак» қилдилар. Домла Бараташвили шеърларини бошқа таржимон таржимасидан ағдарган эканлар. Мен бошқа таржимон таржимаси билан солиштириб таҳрир қилибман. Домланинг олдида ҳам, нашриёт олдида ҳам гуноҳкор бўлиб қолдим. «Таржима бундоқ бўлади» деб ўзимни кўрсатмоқчи бўлгандайман. Шуҳрат акага ҳурматим чексиз. Ўзбекча таржимани русча билан солиштирган одам Шуҳрат акага ҳам, муҳаррирга ҳам дашном бермасин деган маънода, мазмун аниқ бўлишига ҳаракат қилган эдим.

Домла шуни эслаб, Маъруф мендан хафа, деб кўнглимдан чиқармоқчи бўлибдилар. Мард одамлар бағаз бўлади. Домла мард одам эди. Лекин менинг кўнглимдан ҳижолат ҳеч қачон кетмаса керак. Шуҳрат ака беозор одам бўлса ҳам, у кишига озор берувчилар кам бўлмаган. На юксак мукофотлар, на шарафли унвонларга сазовор бўлган эди. Катта йиғинлар ҳайъатида ўтирмаган, нуфузлироқ вазифаларга тайинланмаган. Шунинг учун мен домланинг рақибларига хизмат қилгандай туюлган бўлсам ажаб эмас.

Аммо домла умрининг охирида, оғир касаллик чоғида Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвонига сазовор бўлди. Шу ҳам ул зотнинг мухлислари, яқинлари, шогирдларига таскин беради.

Ўша куни Шуҳрат ака ўттиз йил илгари 24 варақли дафтар тўла шеър кўтариб келган бола эдингиздами? Шеър нима учун ёзилади? Шоирнинг бурчи нима?— деб сўраган ва «Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар», деб сабоқ берган эдингиз. Ўша бола менман. Ўша сабоқ ҳамон эсимда, дегим келди. Лекин домлани толиқтиришдан чўчидимми, тортинчоқлик, андиша йўл қўймадими... айтолмадим. Айтсам бўларкан.

Маъруф ЖАЛИЛ.

Марказий Осиёда матбаачилик тарихининг сарчашмаларида турган биринчи Тошкент босмахонаси яна бир неча йилдан сўнг бир асрлик тўйини нишонлайди. Бу даргоҳда ўтган давр мобайнида кўплаб мутахассислар камолга етди. 1941 — 1945 йилларда эса азамат йигитлар босмахона дастгоҳи ёнидан тўғри жангтоҳга отландилар. Куни кеча корхона жамоаси уруш қатнашчиларини бағрига чорлади, уларни Ғалабанинг 50 йиллиги билан табриклади.

Суратларда: тантанадан лавҳалар.

Абдувоҳид Тўраев олган суратлар.

СПОРТ

МАҒЛУБИЯТГА ЧАП БЕРИБ

Олий лига футбол жамоалари ўртасида мамлакат миллий чемпионатининг тўртинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди.

Тўпларга бой ва муросасиз баҳсларга айланган бу галги учрашувлар натижалари жамоаларнинг тутган ўринларига таъсир қилди. Ўйинлар тақвимида баъзи жамоаларнинг юқори ўринларга кўтарилиши, айримларининг мавқеи бўшашиши кўринди. Зеро, мамлакат чемпионлари — фарғоналик футболчилар ҳамон дадил одим ташлашмоқда. «Нефтчи» бу сафар ҳам мағлубиятга чап берди. Бу жамоанинг иккинчи ўринда бораётган МХСК футболчилар билан учрашуви мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Фарғоналиклар армиячилар дарвозасига икки марта жавобсиз тўп йўллашди. Ҳозиргача «Нефтчи» бирон марта ҳам мағлубиятга учрагани йўқ. Улар ҳисобида 12 та очко бўлиб, тўплар нисбати 13-1 бўлиб турибди.

Учинчи ўринда бораётган «Суғдиёна» футболчилари битта очкони бой беришди. Бу жамоа «Чирчиқ» майдонида тўп суриб, ҳисобни 1:1 қилди. «Нурафшон» эса ишқибозларни қувонтирди. Телевидение орқали олиб кўрсатилган бу учрашувда Олим Тиллаев дарвозага иккита тўп киритиб, бухоролик мухлисларни мамнун этди. «Нурафшон» 9 очко билан иккинчи ўринга кўтарилди. МХСК ва «Суғдиёна» жамоаларида 7 тадан очко бор. Пахтакорчилар ҳам сафарда янгиерлик футболчилар билан ўйнаб (1:1), очколарини 7 та қилиб олишди.

Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Динамо» — АСК — 0:0, «Наврўз» — «Трактор» — 2:0, «Атласчи — «Политотдел» — 3:1, «Машъал» — «Темирйўлчи» — 2:0.

ЎРИНБОСАРЛАР МАВҚЕИ

Биринчи лига футбол жамоалари ўртасида мамлакат чемпионатининг учинчи тур ўйинлари ўтказилди.

Биринчи минтақага кирувчи жамоалар учрашувларида қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Зарафшон» — «Металлург» — 2:0, «Прогресс» — «Локомотив» — 2:0, «Истиқлол» — «Диёр» — 2:0, «Насаф» — «Ҳисор» — 1:0, «Орол» — «Ситора» — 1:1, «Динамо» — «Тегирмончи» — 2:1. Бу ўйинлардан кейин «Прогресс» 9 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Насафчиларда 6 та очко бор. «Зарафшон» 7 та очко билан иккинчи ўринга кўтарилди.

Энди иккинчи минтақа жамоалари ўртасидаги учрашувлар натижаси билан танишинг: «Олтинкўл» — «Гулистон» — 2:0, «Бағдод» — «Чилонзор» — 1:1, «Кимёгар» — «Маданият» — 1:1, «Мебелчи» — «Шаҳрихон» — 0:1, «Ғазалкент» — «Наврўз» — 2:1, «Бахт» — «Норин» — 4:1. Ҳозир «Ғазалкент» 9 очко билан пешқадамликка эришди. «Маданият» футболчилари очколарини 7 тага етказиб мавқеларини мустаҳкамлашди. «Шаҳрихон» 6 та очко билан 3 ўринга кўтарилди.

Ҳар кимни ёмон бўлса, жазо топқусидир!

ТОЛА ЎҒРИЛАРИ ФОШ ЭТИЛДИ

Сирдарё вилоятида бир гуруҳ пахта толаси ўғриларининг кирдикорлари фош этилди ва улар жиноий жавобгарликка тортилди. Бу жиноятчиликка қарши кураш борасида ўтказилган йирик тадбирлардан биридир. Унда вилоят прокуратураси, миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органларининг ходимлари биргаликда иш олиб бордилар.

Мухбиримиз ана шу воқеа тафсилотини шарҳлаб беришни сўраб Сирдарё вилояти прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Норбой Михлиевич БОБОЕВга мурожаат қилди.

— Агар жиноятчиларнинг мазкур режалари амалга ошганда эди, улар бирданига вилоятда энг бой — бадавлат киши бўлиб қолар эдилар. Уларнинг асил мақсадлари ҳам шу эди. Чунки жиноятчилар ҳар хил майда-чуйда нарсаларга эмас, балки жаҳон бозорида юксак қадр топаётган пахта толасини ўғирлаб сотишдек хавфли жиноятга қўл урган эдилар. Жаҳон бозорида бир тонна пахта толасининг нархи қанча туришини кўпчилик яхши билади. Биз сўз юритаётган жиноятчилар эса биринчи қадамнинг ўзидаёқ 25 тонна пахта толасига «харидор» топиб қўйган эдилар...

Воқеа бундай бўлган эди. Шароф Рашидов туманидаги Волков номли пахта тозалаш заводи таъминотчиси Б. Холов шу завод машина ҳайдовчиси У. Умаров билан жиноий тил бириктириб, сохта ҳужжатлар тайёрлайди ва унинг машинасида 10 тонна, яъни 50 той пахта толасини корхонадан олиб чиқадилар. Таъминотчи шофёрни катта йўлда қолдириб, ўзини шу ерда кутиб туришини тайинлайди ва иккинчи «мижоз» — шу тумандаги «Пахтаобод» заводи директори олдига жўнайди.

Уни завод директори О. Маҳамбетов кутиб турган эди. Келишувга мувофиқ К. Даиров машинасида қалбаки ҳужжатлар билан 15 тонна ёки 75 той пахта толасини юклаб келишилган манзилга жўнайди. У ерда У. Умаров, С. Ғанибоев, Б. Эгамовлар билан учрашиб ўғирланган пахта толаси тойлари ортилган машиналар қўшни Қозоғистон Республикасининг Чимкент вилоятига қарашли Жеттисой шаҳрида жойлашган кимёвий база омборига олиб бориб туширадилар. Жиноятчиларнинг режалари бўйича, бу ердан ўғирланган толалар ўз «эгалари»ни топиб кетишлари керак эди. Лекин улар қора ниятларига ета олмадилар. Ўғирланган жами 25 тонна ёки 175 той пахта толаси сақлаб қолинди.

Содир этилган жиноятнинг мураккаблиги, уни тез ва малакали ҳал этиш лозимлигини ҳисобга олиб вилоят прокуратурасининг ҳайъатида бу масала зудлик билан муҳокама этилди ва уни малакали прокурорлардан бири Б. Усмоновга топширишга қарор қилинди. У ишончимизни оқлади. Б. Усмонов раҳбарлигидаги тергов гуруҳи тезкорлик билан иш олиб бордилар ва орадан кўп ўтмай барча жиноятчилар вилоят судининг қора курсисига ўтирдилар. Мазкур уюшган жиноий гуруҳ аъзолари ва раҳбарлари «Пахтаобод» пахта тозалаш заводининг директори О. Маҳамбетов, Волков номли пахта тозалаш заводининг таъминотчиси Б. Холов, шунингдек жиноятчилар гуруҳига қўшилган У. Умаров, С. Ғанибоев, Б. Эгамов ва бошқалар ҳам қилмишларига яраша жазо олдилар.

Тергов давомида юқоридаги воқеа пахта толаси ўғриларининг биринчи ёки тасодифий ҳийлалари эмаслиги маълум бўлиб қолди. Жумладан, Боёвут туманида яшовчи фуқаро Ю. Қорабоев ҳам пахта толасини ўғирлаб сотишда малака тўплай бошлаган гуруҳ бошлиқларидан эканлиги маълум бўлди. У Оқолтин туманидаги «Мир» пахта тозалаш заводидан Сайхунобод туманидаги пахта маҳсулотларини қабул қилиб олиш базасига юк ташиётган шофёр Ю. Ғанибоевни ўз қўлтиғига олади. Тегишли ҳужжатлар тўғрилангач, унинг машинасида 5 тонна пахта толасини, шунингдек биз юқорида айтиб ўтган Волков номли пахта тозалаш заводидан таъкидлаган 6 тоннаю 401 килограмм пахта толасини шофёр Э. Турсуновнинг машинасида Боёвут туманидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигида яшовчи О. Алимовнинг хонадонига олиб келиб туширадилар. Текшириш чоғида О. Алимовнинг уйида жами 26 тоннаю 547 килограмм пахта толаси яшириб қўйилгани, бу хом ашёлар қўшни Тожикистонга олиб бориб сотилиши мўлжалланган аниқланди. Мазкур жиноятчиларнинг барчаси яқинда бўлиб ўтган суд йиғилишида ўз қилмишларига яраша жазо олдилар.

Бундан ташқари, юқорида тилга олиб ўтилган Жеттисой шаҳридаги омборда яна Оқолтин туманидаги «Сардоба» пахта заводига қарашли ўғирлиқ йўли билан олиб чиқилган 239 той, яъни 48 тонна пахта толаси мавжуд бўлгани ҳам фош этилди. Мазкур иш юзасидан завод директори К. Искандаров, товаршунос М. Янгибоев ҳамда бошқа ўртоқлар устидан тергов ишлари олиб борилди ва у ниҳоясига етказилиб, судга оширилди. Умуман олганда ана шу «Пахта толаси» операцияси давомида давлатимизнинг 70 тонна пахта толаси ўғри ва фирибгарларнинг қора чангалларидан тортиб олинди.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Савоб ишлар

МУРУВВАТ

Сирғали тумани кўзи ожизлар жамияти ташкилоти ўв аъзоларининг турмуш шароитидан ўз вақтида хабардор бўлиб турибди. Хайрия ишларини олиб боришимизда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси маъмурияти оталиқ ёрдамини кўрсатмоқда.

Авиакомпания бош директори Ғ.М. Рафиқовнинг ташаббуси билан ташкилотимизга 20 минг сўм пул хайрия этилди. Бундай олижаноб ҳимматдан ташкилотимиз аъзолари беҳад миннатдор бўлдилар.

Атҳам МАЪРУФОВ,
ташкилот аъзоси.

«Ўзбекистон овози» газетаси, республика Матбуотини қўллаб - қувватловчи жамғарма бошқаруви ва «Ўзбекистон матбуоти» журналининг жамоалари жамғарма бошқарувининг етакчи консультанти, таниқли журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Хайриддин НАЗИРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қавму - қариндошларига ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этадилар.

«Комплекс тоғ-геология экспедицияси» жамоаси экспедициянинг собиқ бошлиғи А. Ғ. Ғаниевга волидаи муҳтарамаси

Пўлатхон ВАҲОБОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ, ХУСУСИЙ ИШБИЛАРМОН ВА МУЛКДОР ШАХСЛАР ДИККАТИГА!

Марғилон ёғочсозлик корхонаси ҳар қандай кўзланган мақсадда фойдаланишга мўлжалланган қулай вагон уйларни чекланмаган миқдорда тайёрлаб бериш имкониятига эга.

Бу уйлар 3х6 метр ўлчамли, 18кв. метр майдонли бўлиб, ички тузилиши харидор талабэҳтиёжига кўра тайёрланиши мумкин. Баҳоси калькуляцияга асосан сотилади.

Мурожаат учун манзилимиз: 713712 Марғилон шаҳри, Н. Холматова кўчаси, 65-уй. Телефонлар: 37-15-15, 37-25-25.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Урганчда -- 6-51-35;
Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-75-43; Самарқандда -- 35-22-90; Фарғонада -- 26-37-16;
Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Тошкентда-- 32-26-70; Қаршида -- 3-25-79;
Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
· Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0144, 45220 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 22.00

1 2 3 4 5 6.